

Ўзбекистонда профессионал таълим

Профессиональное образование в Узбекистане

Vocational education in Uzbekistan





ДУНЁ АРЕНАЛАРИДА — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН!

Оқил САЛИМОВ,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
техника фанлари доктори, академик

Инсон камолга етиши учун ёшлигидан илм ва касб-хунар эгаллаши шарт, илм-маърифат инсоннинг маънавий камолотида ва жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади. Илм эгаллаш ҳар бир ёш учун ҳам қарз, ҳам фарз. Инсон қадр-қиммати унинг "сийму зари" билан эмас, олган илму ҳунари билан баҳоланади.

Бугунги кунда дунё ареналарида мамлакатимиз ҳақида сўз юритилганда "Янги Ўзбекистон" ва "Учинчи Ренессанс" деган ибораларни кўп эшиштамиз. Бу мамлакатимиз сўнгги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйгани, ҳар соҳада эришаётган ютуқларимизнинг эътирофи, десак адашмаган бўламиз.

“

*Биз устозни отадай улуғ деб билган, доимо ардоқлаган
маърифатпарвар халқнинг вакилларимиз. Мен ҳам ўқитувчи,
муаллим деганда ўзим учун энг азиз ва ҳурматли бўлган, зиёли ва
замонавий, самимий ва меҳрибон инсонларни тасаввур қиласман.*

*Чунки ҳаммамизга ҳам шу муаллим сабоқ ва таълим берив,
меҳрибон ота-оналаримиз қаторида тарбиялаган.*

Ш. Мирзиёев

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Учинчи Ренессанс ва Янги Ўзбекистон ҳақида "Биз ўз олдимизга мамлакатимизда Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улуғ мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улуғбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиш керак" деб таъкидлаганлар.

Учинчи уйғониш даври мамлакатимизда янги асосларини белгилаб берди, кейинчалик бу давр инсоният олдида турган глобал дунёқараш муаммоларини ҳал қиласмида. Бу бугун учун янада долзарбдир, чунки бизнинг жамиятимизда мафкура ўзгариши, инсоннинг дунёдаги ўрни ва бутун инсоният йўли ҳақидаги тушунчasi ўзгариб бормоқда.

Бугунги кунда Республикаимизда профессионал таълим тизимини такомиллшатириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида

такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш мақсадида бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этилди. Шунингдек, миллий малака рамкалари ва профессионал стандартлар ишлаб чиқилди.

Профессионал таълимни жорий этишнинг муҳим йўналиши таълим муассасаларини мавжуд иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг истиқболли талабларига, фан, маданият, техника ва технологияларнинг илғор ютуқларига жавоб бера оладиган юксак малакали бошқарув ва педагог кадрлари билан таъминлашдир. Бунда, педагог ва бошқарув кадрларининг маҳсус танлашнинг самарали доимий фаолият кўрсатувчи тизимини яратиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш орқали бошқарув ва педагог кадрлар касбий савияси ва масъулиятини ошириш, инфратузилмани оқилона ташкил этиш, захира кадрлар билан таъминланганликни мустаҳкамлаш, тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимлари фаолият кўрсатишининг таъсирчан механизмларини жорий этиш лозим.

Бугун профессионал таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг истиқболи, самара ва натижаси иш берувчи ва таълим муассасасининг ўзаро ҳамкорлигига, ишлаб чиқариш ва ўқув жараёнининг узвийлиги, миллий малака тизимининг муваффақиятли жорий этилиши, мукаммал профессионал стандарт ва сифатли таълимга боғлиқ. Бу тизимнинг муваффақиятли жорий этилиши яқин истиқboldаги тараққиётимиз жадаллашувини ҳам белгилайди.

“

Ҳар бир янги давр бир хил саволларга янги жавоблар зарурлигига дуч келади. Учинчи Ренессанс эса бизни нафақат билим билан, балки долзарб мұаммоларни ҳал қилишда янги ижодий ёндашув билан ҳам бойитади.

”

Профессионал таълимдаги янгиликлар, профессионал таълим истиқболлари ҳамда профессионал таълимни такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқотлар динамикасини ёритиб борувчи “Ўзбекистонда профессионал таълим” журнали том маънода профессионал таълим тизимида янги бир уйғониш даврига пойdevor яратилишига ҳамда тараққий этаётган таълимни мутлақо янги босқичга олиб чиқишида ўзининг ҳиссасини қўшади, деган умиддамиз.

Илм-фанга ташна, касбнинг сир-асрорларини мукаммал эгаллашга қодир Янги Ўзбекистон ёшларига ҳамда “Ўзбекистонда профессионал таълим” журнали жамоасига улкан зафарлар тилайман.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАЛАКА ОШИРИШ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,

Ўзбекистон Республикаси

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири


Европа мамлакатларида хос глобал таълим муҳитини шакллантиришда таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлигини, амалий йўналганлигини таъминлаш, сифатли таълим олиш, ижодий ривожланишга йўналтириш, ўқитишнинг янги парадигмаларини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда содир бўлаётган чуқур сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар натижасида деярли барча ижтимоий институтларни, шу жумладан таълим тизимини янги сифат босқичига олиб чиқиш, унинг ривожланишига динамиклик ва барқарорликни беришга қодир бўлган профессионал таълимни ривожлантириш йўллари устида тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижий давлатга кетаётган шахсларни ва банд бўлмаган аҳолини ўқитишни ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 25 январдаги ПҚ-4962-сон қарорига мувофиқ, **13 та** профессионал таълим муассасаларида қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказлари ташкил этилди. Ушбу марказларнинг норматив ҳужжатлари, жумладан, маҳаллий ва хорижий иш берувчиларнинг таклифлари асосида **20 та** касб бўйича ўқув режа ва дастурлар халқаро стандартлар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, **1500 нусхада** қурилиш соҳасидаги касблар бўйича ўзбек, рус ва инглиз тилларида маҳсус луғат ҳамда ўқув-дидактик материаллар етказиб берилган.

Республикадаги **271 та** профессионал таълим муассасаларида асосий таълим дастурларида қўшимча равишда **110 та** касб бўйича **764 та** қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

Профессионал таълим муассасаларида архитектура ва қурилиш соҳасидаги тор ихтисосликлар бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ўқув жараёнига профессионал таълим муассасаларининг **151 нафар** малакали ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталари жалб қилинди.

Бугунги кунга қадар қурилиш соҳаси малакали мутахассисларини тайёрлаш марказларини архитектура ва қурилиш соҳаси касблари бўйича муваффақиятли тамомлаган **5112 нафар** битирувчиларга давлат намунасидаги сертификатлар берилди.



ПРОЧИТАТЬ СТАТЬЮ
НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ



TO READ THE ARTICLE
IN ENGLISH

Марказий банк, Савдо-саноат палатаси, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги билан ҳамкорликда молиявий саводхонлик, **“Ҳар бир тадбиркор — ёшларга мададкор”** тамойили асосида **“Ёшлар: 1+1”** қурилиш йўналишлари бўйича ўқув курсларининг таълим дастурлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хорижий ташкилотлар билан профессионал таълим тизимини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ишларини амалга ошириб келмоқда. Жумладан, Европа Иттифоқи Комиссиясининг грант маблағлари асосида ЮНЕСКО ваколатхонаси томонидан **“Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида ишга жойлаштириш кўникмаларини ривожлантириш”** лойиҳаси, Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг **“Ўзбекистонда касб-ҳунар таълими тизимини ислоҳ қилиш ва модернизациялаш жараёнларини қўллаб-қувватлаш”** ҳамда **“Марказий Осиёда касб-ҳунар таълими — озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида тизимили ёндашувларга кўмаклашиш”**, Швейцариянинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда 2021-2033 йиллар давомида **“Ўзбекистонда профессионал таълим ислоҳотларини қўллаб-қувватлаш”** грант лойиҳалари лойиҳалари ҳамкорликда амалга оширилмоқда.

Шунингдек, Германиянинг KfW банки томонидан молиялаштирилаётган **“Профессионал таълим тизимини такомиллаштириш”** лойиҳасини амалга оширишга тайёргарлик кўрилмоқда.

— “
Мазкур лойиҳа доирасида архитектура-қурилиш, энергетика, енгил саноат, туризм, коммунал хизмат ва саноат йўналишларида ҳар бир ҳудудда биттадан Германия тажрибаси асосида **“Профессионал тайёргарлик марказлари”** ташкил этилади.
” —

Профессионал тайёргарлик марказлари томонидан профессионал таълим муассасаларида фаолият юритаётган ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий компетенциялари амалий машғулотлар ва ишлаб чиқариш корхоналарида стажировкаларни ташкил этиш орқали ривожлантириб борилади. Бунда, ўқитувчиларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб индивидуал малака ошириш дастурлари асосида ўқитилади. Ушбу механизмни йўлга қўйиш учун рақамли портфолио тизими яратилади.

Олиб борилаётган ислоҳотлар доирасида, профессионал таълимда янги авлод ўқитувчиларини тайёрлаш ва ходимлар малакасини узлуксиз ривожлантириш масаласи ҳар қачонгидан ҳам долзарб масалага айланди.

Бунда, узлуксиз касбий ривожланишда малака оширишнинг янги шакллари, яъни масофадан туриб таълим олиш, интернет таълим мини татбиқ этиш, муқобил ва мустақил малака ошириш шаклларини жорий этиш зарурати туғилди. Чунки, малака ошириш тизими меҳнат бозори талаблари ва соҳадаги сўнгги янгиликлардан ортда қолмоқда.

Баъзи соҳаларда ходимлар касбий ривожланишига қўйилган талаблар ва малака ошириш тизими ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини комплекс ривожлантириш

истиқболлари, амалга оширилаётган ҳудудий ва тармоқ дастурларининг стратегик вазифаларини ҳисобга олган ҳолда мунтазам равишда янгиланиб борилмаган.

Ўқитувчи ва педагог ходимларнинг илмий салоҳияти, касбий ва педагогик маҳорати етарли даражада эмас. Малака оширишнинг замонавий шаклларини қўллаган ҳолда эҳтиёжга асосланган узлуксиз касбий ривожланиш тизими яратилмаган, эҳтиёжга асосан мустақил малака ошириш ва уни тан олиш тизими жорий этилмаган, педагог ходимлар учун узлуксиз касбий ривожланиш имкониятлари яратилмаган. Малака оширишнинг муқобил ва мустақил шакллари рағбатлантирилмайди. Малака оширишга соҳадаги ходимларнинг барча тоифалари қамраб олинмаган. Малака ошириш курслари сифати ва самарадорлигини тизимли равишда баҳолаш ва мониторинг қилиш йўлга қўйилмаган. Натижада, аксарият малака ошириш курслари ходимларнинг меҳнат самарадорлигига ўз ҳиссасини қўшмаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 февралдаги 106-сон қарорида “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш, таълимнинг мақсади, вазифалари, мазмунидан келиб чиқсан ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш, бошқарув ва педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва узлуксиз малакасини ошириш учун таълим дастурларини инновацион ёндашувлар асосида доимий янгилаб бориш масалалари устувор вазифа этиб белгиланди.

Профессионал таълимда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг истиқболли талабларига, фан, маданият, техника ва технологияларнинг илфор ютуқларига жавоб бера оладиган юксак малакали кадрларни тайёрлаш бошқарув ва педагог кадрлар сифатига боғлиқдир. Бунда, бошқарув ва педагог кадрларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш орқали бошқарув ва педагог кадрлар касбий савияси ва масъулиятини оширишга эътибор қаратиш лозим.

Профессионал таълим тизими бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим вазифалари деб қўйидагиларни ҳисоблаш мақсадга мувофиқ:

профессионал таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини оширишда узлуксиз касбий ривожлантириш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш. Малака оширишнинг эҳтиёжга асосан мустақил малака ошириш тизимини ҳамда унинг тан олинишини жорий этиш, ходимлар касбий фаолиятида муваффақиятга эришиш учун зарур бўлган қўникма талабларини соҳаларнинг барча тоифадаги ходимлари учун ишлаб чиқиш, касбий ривожланиш талабларини аниқ белгилаш, малака оширишнинг давлат талабларини такомиллаштириш, захира кадрлар базасини мустаҳкамлаш, кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малака ошириш тизимининг таъсирчан механизмларини жорий этиш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади.

Шунингдек, профессионал таълим муассасалари педагог ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида таълим сифати ва самарадорлигини оширишда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш лозим бўлади:

-  профессионал таълим муассасалари педагог ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш;
-  профессионал таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрлари малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий базасини янгилаш. Бунда режалаштирилган малака ошириш тизимидан воз кечиб, узлуксиз касбий ривожланишга қаратилган эҳтиёжга асосланган малака ошириш тизимиға ўтиш;
-  малака ошириш жараёнида бошқарув ва педагог кадрлар учун ишлаб чиқиладиган ўқув режа ва фан дастурларини касбий компетентликка асосланган ёндашув асосида такомиллаштириш;
-  профессионал таълим муассасалари педагог ходимларини узлуксиз касбий ривожлантириш тизимида таълим сифати ва самарадорлигини ошириш;
-  раҳбар ва педагогларнинг эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил қилиш ҳамда уларнинг электрон контентларини яратиш;
-  малака ошириш жараёнларини ташкил этишда интернет жаҳон ахборот тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларидан ва вебинар технологиялари имкониятларидан фойдаланиш ҳамда бошқарув ва педагог кадрларнинг ахборот-коммуникация ва инновацион технологияларни эгаллаш, уларни ўқув жараёнига фаол татбиқ этиш кўникмаларини ривожлантириш;
-  раҳбар ва педагог кадрлар малака ошириш курсларини ташкил этишга мўлжалланган маҳсус электрон ахборот тизимини такомиллаштириш;
-  профессионал таълим тизими раҳбар ва педагоглари учун ахборот-ресурс базасини қўшимча манбалар билан тўлдириш ҳисобига "Open source" тамойилидаги хизматни шакллантириш;
-  бошқарув ва педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш асосида уларнинг технологик тараққиёт ҳамда ўқитилаётган фанлар бўйича инновациялар, шунингдек, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари соҳаларидаги кўникмаларини ривожлантириш;
-  замонавий таълим ва инновацион технологиялар, илғор хорижий тажрибани кенг жорий этган ҳолда бошқарув ва педагог кадрларнинг малакасини оширишда кредит модулли таълимни жорий этиш.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрлари ўз мутахассислиги бўйича олий маълумотга эга бўлиш билан бирга ўзининг билим, кўникмаларини ва малака ҳамда компетенцияларини фан-техника ютуқларига мос равишда мунтазам ошириб бориши, ўз устида тинимсиз ишлаши ва ҳаёт давомида таълим олиш принциплари-га амал қилиши зарур.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ — РАҶОБАТБАРДОШ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ГАРОВИДИР

Қаландар АБДУРАХМОНОВ,
Иқтисод фанлари доктори, академик

Мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, рақамли иқтисодиётни кенг жорий этиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишда таълим тизими мухим омил бўлиб хизмат қиласди. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнларининг кенгайиши мамлакатимизда рақобатбардош кадрларга бўлган талабнинг кескин ўсишига олиб келди. Истеъмолчи таълим хизматлари мазмуни ва сифатини танлар экан, эгаллаган маълумоти, касбий тайёргарлиги меҳнат бозорида ва меҳнат фаолияти жараёнида қанчалик кераклилигига ҳамда мухимлигига эътибор қаратади.

“

Тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиласдиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир.

Ш. Мирзиёев

Айнан интеграциялашув даврида юз бераётган ўзгаришлар ҳамда халқаро меҳнат бозорининг глобаллашуви мамлакатимизда мутлақо янги профессионал таълим тизимини жорий этиш эҳтиёжининг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Профессионал таълим тизими олдига замонавий меҳнат бозори талабларига мос рақобатбардош кадрлар тайёrlаш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда мухим аҳамиятга эга бўлган илмий-техника тараққиёти ютуқларини амалиётга кенг жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жамият тараққиётини илм-фан ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки илм-фан ишлаб чиқариш, унинг моддий асосини яратиш, технологик ривожлантириш ва энг асосийси, кадрлар билан таъминлаш вазифаларини ўз зиммасига олади. Бу жараёнда бўлажак кадрларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлилигини таъминлашда таълим муассасалари билан иш берувчилар эҳтиёжларини ўрганиш, меҳнат бозоридаги вазиятни таҳлил қилиш орқали сифатли таълимни ташкил этиш, компетенцияларни ривожлантириш ва рақобатбардош кадрлар тайёrlаш механизмларини амалга оширишнинг педагогик имкониятларини интенсив кенгайтириб бориш лозим.

“

**Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари
фаолиятини бугунги замон талаблари асосида
такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали
вазифамиз деб биламиз, дея таъкидлаганлар.**

”

Ўзбекистон Республикасида узлуксиз таълимнинг ҳар бир бўғини учун тайёрланаётган педагог кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳорати ва касбий компетентлик даражасига нисбатан жиддий талаблар қўйилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев:

Биз юртимизда янги авлод, янги тафаккур соҳибларини тарбиялашдек масъулиятли вазифани ado этишда биринчи галда ана шу машақкатли касб эгаларига суннамиз ва таянамиз, эртага ўрнимизга келадиган ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларнинг хизмати нақадар беқиёс эканини яхши тасаввур қиласиз.

Фикримизча, тақдим этилаётган “Ўзбекистонда профессионал таълим” янги журнали юқорида келтирилган педагогик муаммоларнинг ечимини топишга имкон яратади. Журнал жамоасига шундай масъулиятли вазифаларни ҳал этишда муваффақият тилайман.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИ БОШҚАРИШ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ РАҲБАРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ВАЗИФАЛАРИ

Зайниддин ХУДАЙБЕРДИЕВ,

Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти директори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Мақолада профессионал таълимни бошқариш сифатини таъминлаш учун замонавий раҳбарларни тайёрлаш вазифалари ҳақида сўз юритилган ҳамда "Хаёт давомида таълим олиш" тамойили борасида муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Калим сўзлар: Профессионал таълим, таълимни бошқариш, замонавий раҳбар, "Хаёт давомида таълим олиш" тамойили.

В статье рассматриваются задачи подготовки современных лидеров с целью обеспечения качества управления профессиональным образованием, а также определяются важные задачи, касающиеся принципа «образование на протяжении всей жизни».


Ключевые слова: Профессиональное образование, образовательный менеджмент, современный лидер, принцип «Образование на протяжении всей жизни».

The article discusses the tasks of training modern leaders in order to ensure the quality of Professional Education Management, and defines important tasks regarding the principle of "education throughout life".

Key words: Professional Education, Educational Management, modern leader, the principle of "Education throughout life".

Мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий тузилиши ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар таълимни бошқариш тизими ва амалиётини тубдан яхшилашни таъминлайди.

Сўнгги йилларда таълимни бошқариш соҳасида сезиларли ислоҳотлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида касб-хунар мактаблари, коллежлар ва техникумлар тизими ташкил этилди. Профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардошкадрлартайёрлашҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг



ПРОЧИТАТЬ СТАТЬЮ
НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ



TO READ THE ARTICLE
IN ENGLISH

жалб қилиш мақсадида муҳим чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, таълим муассасаларини бошқаришга идоравий ёндашув бартараф этилмоқда, бу йўналишдаги муҳим қадам маъмурий ислоҳотларда намоён бўлди. Таълимни бошқаришнинг давлат ва жамоат шакларининг ўзаро алоқаси ривожланмоқда, бу жараёнда ўқув-услубий бирлашмалар, таълим муассасалари бирлашмалари, ректорларнинг худудий кенгашлари муҳим рол ўйнайди. Таълимни бош-

қаришнинг янги ёндашувлари амалдаги қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган.

Таълимни бошқаришни қайта ташкил этиш муаммоси бўйича мавжуд нуқтаи назарларни умумлаштириб, биз қўйидагиларни аниқладик:

1. Профессионал таълим жамиятнинг бошқа барча соҳаларини ривожлантириш механизмидир.

2. Профессионал таълим тизими ҳар қандай бошқа турдаги ижтимоий фаолият дастурлари ва лойиҳаларида иштирок этиш орқали ўз сиёсатини амалга оширадиган яхлит кўп тармоқли ва табақалаштирилган ўзини ўзи бошқарадиган жамоат амалиёти соҳасига айлантирилади.

3. Ҳудудий таълим сиёсати тамоилилларини шакллантириш корхона ва ташкилотларнинг касбий таълим эҳтиёжларини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш билан боғлиқ ва иккита функцияни мувозанатлаштиришга қаратилган: дуал таълим ва ривожланиш.

4. Ижтимоий табиатнинг уюшган тизими сифатида таълимни самарали бошқариш қўйидагиларни таъминлаши керак: а) профессионал таълим муассасаларини ташкил этишнинг янги тамоилилари асосида профессионал таълим тузилмасини сақлаш; б) таълим муассасаларининг педагогик ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, малакасини ошириш ва ишини оптималлаштириш орқали профессионал таълим тизими нинг фаолият режимини сақлаш; в) ҳудудий бошланғич профессионал таълим тизими даги таълим муассасаларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнини жонлантириш орқали тараққиёт стратегиясини амалга ошириш; д) давлат таълим стандартлари мезонлари билан белгиланадиган касбий

ва маърифий фаолият мақсадларига эришиш.

5. Махсус тасдиқланган бошқарув ҳаракатлари орқали профессионал таълимнинг минтақавий тизими даги муаммоли тенденцияларнинг олдини олиш зарурати; педагогик сайтларда профессионал таълимни ташкил этишнинг янги шаклларини яратиш; профессионал таълимни ривожлантириш тизимини шакллантиришни ҳисобга олган ҳолда касбий таълимнинг рақобатбардош шаклларини ўзлаштириш ва лойиҳалашнинг босқичмабосқич ва ижтимоий назорат қилинадиган жараёнини амалга ошириш.

6. Бошланғич профессионал таълим ва ўқитиши сифатининг давлат назорати тизимини яратиш, профессионал таълимни ривожлантиришнинг мақсадли ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш зарурати.

7. Профессионал таълимни бошқариш сифатини таъминлаш учун профессионал таълимни бошқариш тамоилилларини ўзгартиришнинг мақсадга мувофиқлиги.

Бундан ташқари, кўплаб илмий тадқиқотлар профессионал таълим муассасаларини инсонпарварлаштириш ва демократлаштириш зарурлигини таъкидлайди.

Агар инсонпарварлаштириш касбхунар мактабини индивидуал ўқувчи ва ўқитувчининг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда тубдан қайта қуришни назарда тутса ва уларнинг кўп қиррали ривожланиши учун мақбул шарт-шароитни талаб қилса, демократлаштириш барча даражадаги раҳбарлар ва ўқитувчилар, ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги муносабатларни қайта қуриш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини кенгайтириш, ўқувчилар учун шароит яратиш зарурлигини тақозо этади. Ушбу

ёндашув, бизнинг фикримизча, бўлажак раҳбарнинг янги бошқарув тафаккурини шакллантириш учун асос бўлиши керак.

Бошқарувга замонавий ёндашувлар раҳбарларнинг янги касбий муҳит тўғрисида хабардорлигини, бошқарув фаолиятига тубдан янги қарашни излашни назарда тутади. Буларнинг барчаси замонавий таълим муассасасини бошқариш муаммосини тегишли услубий ўрганишни тақозо этади.

Ижтимоий ривожланишнинг замонавий табиати иш, таълим, ижтимоий умидлар ва бошқалар билан боғлиқ туб ўзгаришлар туфайли раҳбарга бутунлай бошқача талабларни қўяди. Замонавий раҳбар юқори органларнинг аралашувисиз мустақил қарорлар қабул қилиши, ходимларнинг шартномавий манфаатлари ва таълим муассасаси манфаатларини қондирадиган мақбул ёндашувни топиши керак.

Бироқ амалиёт шуни кўрсатадики, бугунги раҳбар ўзига юкланган вазифаларни бажаришга ҳали тўлиқ тайёр эмас. Бунинг сабаби таълим муассасалари учун бошқарувни ўқитиш тизимининг йўқлиги, шунингдек, тегишли илмий ва услубий адабиётларнинг етишмаслигидир.

Ҳозирда хорижий бошқарув фаолияти тажрибаси мавжуд бўлиб, у раҳбарларга ўз ишларини ташкил этиш, уларнинг бошқарув тизимидағи ролини англаш ва шахсий қобилиятларни оптималлаштириш соҳасида ёрдам беришга қаратилган баъзи усуллардан фойдаланишга имкон беради. Бироқ бундай усуллардан фойдаланиш фақат миллатимиз менталитетининг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган тақдирдагина самарали бўлиши мумкин. Шунинг учун таълим муассасаларини бошқарув ходимлари билан таъминлаш бугунги кунда энг долзарб масаладир.

Бошқарув назариясига кўра, раҳбарларни профессионаллаштиришнинг дастлабки босқичида уларнинг бошқарув кўнилмаларини шакллантириш сифатига эришиш зарур. Ушбу муаммони ўрганиш методологик билимлар тизимида таянишни ўз ичига олади: фалсафий даражада — бу бошқарув фаолиятига оид диалектика қонунлари, тоифалари ва тамойиллари тизими; умумий илмий даражада — тизимлар назарияси ва бошқарув назариясининг асосий қоидаларидан фойдаланиш.

Муҳим услубий таълимотлардан бири сифатида яхлит ёндашувни таъкидлаш мумкин. Ушбу ёндашувнинг самарадорлиги инсон ресурсларини бошқариш тушунчаларида етарлича тўлиқ намоён бўлади. Яхлит ёндашувдан фойдаланиш, шунингдек, ҳақиқий вазият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган бошқарувга нисбатан мавжуд ёндашувлар доирасида раҳбар тўлиқ касбий фаолиятни қура олмаслиги ва амалга ошира олмаслиги мумкин. Назарий тадқиқотларда бошқарув ва кадрлар тайёрлаш соҳасидаги яхлит ёндашув, бир томондан, ходимнинг интеллектуал ва меҳнат салоҳиятини узоқ муддатли ривожлантириш сифатида талқин этилади. Шу муносабат билан янги бошқарув интизоми пайдо бўлади — ташкилий хатти-ҳаракатлар.

Яхлит ёндашувнинг яна бир жиҳати кадрлар сиёсатини амалга оширишда намоён бўлади.

Инсон ресурсларини шакллантиришнинг устувор йўналишлари орасида биз юқоридаги кетма-кетликдан иккинчи босқични ажратиб кўрсатамиз. Бугунги кунда бу яхлитлик сифатини таъминлайдиган янги ёндашувни қўллаш керак.

Ижобий натижаларга эришиш учун, энг муҳими, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида таълим муассасаларининг



фаолияти ва ривожланишининг моҳиятини тушунадиган касб-хунар мактаби директорларининг бошқарув онгини ўзgartиришdir. Бошқарув фаолияти яхлитлигини таъминлашнинг тизимни ташкил этувчи омили бошқарувнинг янги усулларини ўзлаштириш ва таълим муассасаларининг бўлажак директорларини тегишли психологик қайта қуришdir.

Сўнгги тадқиқотлар шуни қўрсатадики, фақат юқори лавозимли кадрлар салоҳиятини зудлик билан янгилаш ва ривожлантириш таълим тизимининг самарадорлигини таъминлаши мумкин. Шунинг учун раҳбарларни ўқитиши масалалари жуда долзарбdir. Бундан ташқари, кўплаб тадқиқотчilar бу ҳолатдаэнгоқилонаусул малака ошириш эмас, балки қайта тайёрлашdir, деган фикрни билдиради.

Айтиш мумкинки, ҳудудий даражада кадрларни тайёрлаш ва малакасини оширишнинг илгари мавжуд бўлган тизими қайта модернизация қилинганилиги ва замонавий талабларга жавоб берадиган янги тизим шаклланаётганилиги билан вазият ижобий томонга ўзгармоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги "Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори билан "Ҳаёт давомида таълим олиш" тамойили асосида бошқарув ҳамда педагог кадрларнинг узлуксиз малакасини ошириш кўзда тутилган. Бу тамойил инсон ҳаёти давомида ўқишига имкон берадиган чора-тадбирлар мажмуи сифатида дунёда кенг тарқалди. Ҳаёт давомида таълим олиш – бу мослашувчан, ривожланаётган, очиқ тизим бўлиб, у ҳаётининг исталган босқичида ҳар кимга керакли билимларни олиш жараёнида иштирок этиш имкониятини беради. Бундай таълим билан амалий фаолият билан чамбарчас боғлиқ ҳолда муайян фаолият турларида ўқитишнинг узлуксизлиги таъминланади.

Ҳаёт давомида таълим олиш тизими ҳар бир инсоннинг қобилиятини ривожлантиради, одамлар ўртасидаги ижтимоий қарама-қаршиликларни бартараф этишга ёрдам беради, ҳар кимга ўз эҳтиёжларига мос таълим олиш имкониятини очади.

Раҳбар таълим муассасасида меҳнат унумдорлигини таъминлашда ҳам марказий рол ўйнайди. Шу боис раҳбар доимо ўрганиши, ривожланиши ва бошқалардан кўра кўпроқ нарсани бажариши керак. Ҳаёт давомида таълим олиш тамойили таълим муассасаси бошқарувидан бошланади.

Раҳбар учун яна қуидаги ҳаёт давомида таълим олиш афзаликларини қайд этиш мумкин:

Ишончни оширади. Ўрганишга содиқлик раҳбарнинг белгиларидан биридир. Ва одамлар ўз ривожланишида тўхтамайдиган раҳбарларнинг фикрини тинглашга мойилдирлар.

Имкониятларни очади. Доимий ривожланишга интилган раҳбар қолган-

лардан бир қадам олдинда бўлади. Бу қўл остидагилар ва ҳамкасларнинг унга ишончини оширади.

Инновацион ғояларни беради. Доимий равишда ўрганаётган раҳбар билан таълим муассасаси келажақдаги қийинчиликлардан қўрқмайди, чунки у билан ҳар қандай муаммоларни ҳал қилиш осон.

Раҳбарнинг машғулотларга вақти камроқ бўлади, шунинг учун раҳбар дастурларни диққат билан танлаши ва иш жадвалини режалаштириши керак. Бундан ташқари, раҳбар чет элда ўқиши ёки малака ошириши мумкин, бунинг учун бугунги кунда кўпроқ имкониятлар мавжуд.



Раҳбар ҳаёт давомида таълим олиш учун қуидагиларни режалаштириши керак

Интернет ресурсларидан фойдаланиши	01	<p>Раҳбарга ёрдам берадиган кўплаб онлайн ресурслар мавжуд. Электрон китобларни юклаб олиш, масофавий ўқитиш курсларида қатнашиш ёки форумларга қўшилиш мумкин.</p>
Мотивацияни сақлаш	02	<p>Ушбу вазифа бутунлай ихтиёрий бўлганлиги сабабли, концентрацияни сақлаб қолиш учун кўпинча мотивация ва фидойилик талаб этилади. Ҳаёт давомида ўрганиш учун рағбат ҳосил қилиш муҳимdir.</p>
Ижобий таълим муҳити	03	<p>Раҳбарнинг атрофида доимо ўз-ўзини тарбиялаш ва ривожланишга ундейдиган одамлар бўлиши муҳимdir. Раҳбар ўзини илҳомлантирадиган одамлар билан бўлиши керак.</p>
Ҳаракатларни режалаштириш	04	<p>Бир ҳафта/ой учун ўқув режасини тузиш ва унга риоя қилишга ҳаракат қилиш. Ҳар бир янги фаолият учун мақсадларни ёзиш. Ўз устида ишлашга жиддий ёндашиш.</p>
Барча имкониятлардан фойдаланиши	05	<p>Ўз-ўзини ривожлантириш учун тўсиқлар йўқ. Ҳар доим ўқиш имконияти мавжуд. Кўп сонли курслар, тренинглар, семинарлар, видеолар, китоблар мавжуд. Бундан ташқари, барча керакли маълумотларни олиш мумкин бўлган кўплаб бепул манбалар бор.</p>
Ўзи учун баҳона қилмаслик	06	<p>Ҳаётий таълим учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Бепул курслар ҳар қандай соҳада мавжуд.</p>
Таълимга ёки бошқарувга оид тренингларни ўтказиб юбормаслик	07	<p>Чунки янги билим олишга ҳеч нарса тўсқинлик қилмайди.</p>

Фойдаланилган адабиётлар:

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812 сон фармони. www.lex.uz.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 февралдаги "Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 106-сонли қарори. www.lex.uz.

ЎЗБЕКИСТОНДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ўткир АЛИЖОНОВ,

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги бошқарма бошлиғи,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори

Ушбу мақолада профессионал таълим тизимида кундузги таълим шакли билан параллел сиртқи, кечки ва дуал таълим шакларида ҳамда қисқа муддатли касбга ўқитиш курсларида меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган кадрлар тайёрлаш масаласи ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Профессионал таълим, касбга ўқитиш, ўқув курси, сиртқи таълим, кечки таълим, дуал таълим.

В данной статье рассматривается подготовка кадров отвечающих требованиям рынка труда, в параллельных заочных, вечерних и дуальных формах обучения с формой дневного обучения в системе профессионального образования, а также на краткосрочных курсах профессиональной подготовки.

Ключевые слова: Профессиональное образование, обучение к профессии, учебные курсы, заочное образование, вечернее образование, дуальное образование.

In this article, the training of Personnel Meeting the requirements of the labor market in parallel correspondence, evening and Dual education forms with the form of daytime education in the professional education system, as well as in short-term vocational training courses is covered.

Key words: Professional education, vocational training, training course, correspondence education, evening education, Dual education.

Халқаро меҳнат бозори талаблари, интеграцион жараёнларнинг жадаллашуви, рақамлаштириш, саноатдаги технологик инқилоблар даврида замон талабларига мос малака ва кўнижмаларга эга рақобатбардош ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш, касб-хунар таълими соҳасида янги тизимни — халқаро андозаларга мос янги профессионал таълим тизимини талаб қилди. Натижада касб-хунар таълими соҳасида ҳам давлат сиёсати тубдан ўзгарди.

Президентимиз томонидан соҳада туб ислоҳотларни амалга ошириш ва замонавий профессионал таълим тизимини барпо этишнинг мақсад ва устувор вазифалари, бир сўз билан айтганда, соҳанинг янги миссияси белгилаб берилди. Ушбу миссиянинг моҳияти янги сифат ва форматда инсон ресурсларини ривожлантириш,



ПРОЧИТАТЬ СТАТЬЮ
НА РУССКОМ ЯЗЫКЕ



TO READ THE ARTICLE
IN ENGLISH

ёшларда ички ва ташки меҳнат бозори талаб қилаётган амалий билим ва кўнижмаларни шакллантириш, уларнинг Ватанга муҳаббатини, халқига садоқатини юксалтиришдан иборатdir.

Ана шу миссияни кўзлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги Фармонига мувофиқ 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб янги профессионал таълим тизими, яъни

339 та касб-хунар мактаблари, 194 та коллеж ва 191 та техникумлар фаолияти йўлга қўйилди.

Янги ташкил этилган профессионал таълим муассасаларига жами 183916 нафар ўқувчи-ёшлар қабул қилиниб, бугунги кунда уларга замонавий касб-хунар сирлари малакали педагог кадрлар томонидан ўргатилиб келинмоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг 79 217 нафари касб-хунар мактабларига, 53 943 нафари (шундан 9 192 нафари давлат гранти асосида) коллекларга ҳамда 50 756 нафари (шундан 8 051 нафари давлат гранти асосида) техникумларга ўқишга қабул қилинди.

Мазкур Фармон Узбекистон тарихида янги профессионал таълим тизимини ташкил этишига асос бўлган бўлса, 2020 йил 24 январда давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Мурожаатномасида "Жорий ўқув йилидан бошлаб, мутлақо янги профессионал таълим тизими йўлга қўйилиб, касб-хунар мактаблари, коллеклар ва техникумлар ташкил этилади"¹ деб мазкур тизимнинг аҳамиятини яна бир бор алоҳида таъкидлadi.

Бунда иқтисодиётнинг барча тармоқлари баробарида тадбиркорлик, кичик бизнес, оилавий бизнес, томорқа бизнеси, қурилиш, хизмат кўрсатиш, чорвачилик, паррандачилик, асалари чилик, балиқчилик каби тез суръатларда равнақ топаётган соҳалар учун ишчи касблар бўйича малакали кадрлар тайёрланиши кўзда тутилди.

Узбекистон Республикаси Президентининг "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони билан 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Узбекистон Республикасида

таълимнинг халқаро стандарт таснифлагици даражалари билан уйғунлашган янги бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизими ҳамда табақалаштирилган таълим дастурлари жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилди.

Ўзбекистон меҳнат бозори учун ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашда ушбу профессионал таълим муассасалари тармоғи муҳим ўрин тутади. Бугунги кунда мавжуд иш ўринларининг асосий қисмида айнан профессионал таълим муассасаларида битиравчиларга бериладиган малака даражалари талаб этилиши ёшлар ўртасида ушбу таълим муассасаларида ўқиш истагини янада кучайтирмоқда.

Мазкур Фармонга мувофиқ 2020/2021 ўқув йили учун профессионал таълим муассасаларига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларидан, тизимида профессионал таълим муассасалари бўлган вазириллар, идоралар ва олий таълим муассасалари таклифлари асосида қабул параметрлари шакллантирилди ва қабул жараёнлари илк бор онлайн ҳужжат топшириш тартибида ташкил этилди.

Кўплаб ота-оналарнинг мурожаатларидан келиб чиқибҳамда ёшларга касб ва мутахассислик эгаллаш имкониятини кенгайтириш мақсадида 2020/2021 ўқув йили учун коллеж ва техникумларга 21034 нафар ёшларни тўлов-контракт асосида қўшимча равишда қабул қилиш имконияти берилди.

Шунингдек, колледж ва техникумларга тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ўқувчилар, ижтимоий ҳимояга муҳтоҷ оила фар-

1. Узбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.

“
**Жорий ўқув йилидан бошлаб,
мутлақо янги профессионал
таълим тизими йўлга қўйилиб,
касб-ҳунар мактаблари,
коллеклар ва техникумлар
ташкил этилади.**
”

зандлари ҳамда ногиронлиги бўлган болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида мазкур тоифаларга кирувчи жами 1157 нафар ўқувчилар тўлов-контрактлардан озод этилиб, давлат гранти асосида ўқитиш таъминланди.

2021/2022 ўқув йилида профессионал таълим муассасаларида кундузги таълим шаклига қўшимча равишда кечки ва сиртқи таълим шакллари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартағи “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 163-сон қарорига мувофиқ дуал таълим принципларининг жорий этилиши ёшларнинг касб ва мутахассисликларни эгаллаш имкониятларини янада кенгайтирди.

2021/2022 ўқув йили учун профессионал таълим муассасаларига сиртқи таълим шаклига жами 37 990 нафар, кечки таълим шаклига 15 768 нафар, дуал таълим шаклига 7 181 нафар ўқувчиларни қабул қилиш квоталари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 февраль куни Тошкент шаҳрининг Яшнобод ва Мирзо Улуғбек туманларига ташрифи давомида берилган топшириқлари ҳамда Яшнобод туманида жамоатчилик вакиллари билан ўтказилган 13-сон учрашув баёни ижросини таъминлаш

мақсадида Тошкент шаҳридаги 10 та профессионал таълим муассасаларида 15 та йўналиш бўйича қисқа муддатли курслар ташкил этилди.

Қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этиладиган профессионал таълим муассасаларини ўрганиш бўйича масъул ходимлар бириктирилиб, тасдиқланган саволнома асосида таълим муассасаларининг бино ва иншоотлари, муҳандислик коммуникация тармоқлари, мавжуд жиҳозлари, педагогик кадрлар салоҳияти, касбга ўқитиш йўналишлари бўйича ўрганилиб, маълумотлар таҳлил қилинди.

Шу билан бирга профессионал таълим муассасаларида “Тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш” қисқа муддатли ўқув курслари учун ўқув режа ва модуллари ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан биргаликда тасдиқланди.

Асосий таълим дастурларига қўшимча равишда ҳудудлардаги меҳнат бозори эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда аҳолини қисқа муддатли ўқув курсларида ўқитиш мақсадида балиқчилик, асаларичилик, чорвачилик, лимончилик, қуёнчилик, иссиқхона ва парник ҳўжаликлари конструкцияси монтажчиси бўйича Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан биргаликда қисқа муддатли ўқув курсининг ўқув режа ва модуллари ишлаб чиқилди.

Қисқа муддатли курсларни ташкил этишда тармоқ вазирлик ва идоралар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, улар билан ҳамкорликда қисқа муддатли курсларнинг методик таъминоти яратилди ҳамда тегишли касблар бўйича курслар ташкил этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги ва Ўзбекистон муҳандислар-

консультантлар уюшмасининг "Қурилиш соҳаси ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида" 2020 йил 17 апрелдаги 2, 29қ/қ ва 001-сон қарори қабул қилиниб, 11 та касбларнинг ўқув режа ва модуллари тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 августда "Хорижда меҳнат қилаётган фуқароларимизга муносиб шарт-шароитлар яратиш ва улар билан тизимли ишлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги кенгайтирилган тарзда ўтказилган 65-сон видеоселектор мажлиси баёнининг 40-банди, "Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон қарори ижроси юзасидан 20 та касб бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

Шунингдек, қолган ҳудудлардаги 100 та туман (шаҳар)лардаги професионал таълим муассасаларида ишсиз ёшлар, касб-хунар эгаллаш истагида бўлган фуқаролар учун касбга ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

Аҳолига, айниқса, иш билан банд бўлмаган аёллар ва ёшларга касб-хунар ўргатиш бўйича иш берувчилар билан 54 та йўналиш бўйича қисқа муддатли дастурлар ишлаб чиқилди. Ишлаб чиқилган дастурлар асосида қурилиш, Ҳунармандчилик, тикувчилик, ахборот технологиялари, майший хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишлари ва тадбиркорликка ўқитиш бўйича қисқа муддатли ўқув курслари йўлга қўйилди.

Тошкент шаҳрида 10 та, Хоразмда 7 та, Сирдарёда 2 та, шу билан бирга республикадаги 26 та коллеж ва техникумларда, касбга ўқитиш марказлари мавжуд бўлмаган 100 та туманлардаги касб-хунар мактабларида қисқа муддатли курслар ташкил этилди.

**Тошкент шаҳрида 10 та,
Хоразмда 7 та, Сирдарёда 2 та,
шу билан бирга республикадаги
26 та коллеж ва техникумларда,
касбга ўқитиш марказлари
мавжуд бўлмаган 100 та
туманлардаги касб-хунар
мактабларида қисқа муддатли
курслар ташкил этилди.**

туманлардаги касб-хунар мактабларида қисқа муддатли курслар ташкил этилди.

Умуман олганда, ёшлар ва ишсиз аҳоли, шу жумладан, хотин-қизлар учун жами 271 та професионал таълим муассасаларида 21 та касб бўйича қисқа муддатли курслар ташкил қилинди. Мазкур қисқа муддатли курсларда 764 та груп шакллантирилиб, жами 26 044 нафар ўқувчи ўқитилмоқда. Шундан, 12 579 нафари хотин-қизлардир. 5 192 нафар ўқувчи қисқа муддатли курсларни тамомлади ҳамда уларга ўрнатилган тартибда тегишли намунаидаги сертификатлар берилди.

Қисқа муддатли курс битирувчилари учун QR-код тизимиға уланган давлат намунасидаги сертификатлар бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Бизнингча, Ўзбекистонда профессионал таълим тизимини такомиллаштириш учун қуийдаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- 01** профессионал таълимни 2035 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш
- 02** педагог кадрлар касбий маҳорати ва амалий қўникмаларини ривожлантириш
- 03** хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорликни ривожлантириш
- 04** инклюзив таълимни ривожлантириш ва энг асосийси, таълим сифатини таъминлаш
- 05** иш ўринларини сертификатлаш, бунда биринчи навбатда инсон саломатлиги билан боғлиқ иш жойларида тегишли малакага эга бўлган шахсларнинг ишлашига рухсат бериш тизимини жорий этиш
- 06** 2022–2026 йилларда профессионал таълим муассасаларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва амалиётта боғлаш
- 07** ўқувчиларда тадбиркорлик қўникмаларини ривожлантириш
- 08** таълимни рақамлаштириш ҳамда таълим жараёнида ва таълим дастурларини ишлаб чиқиша иш берувчиларнинг иштирокини ошириш
- 09** ёшларнинг бир неча касб ёки мутахассисликни эгаллаш имкониятларини таъминлаш
- 10** дуал таълимни халқаро тажрибалар асосида ривожлантириш ва бу борада дуал таълим концепциясини ишлаб чиқиш
- 11** нодавлат профессионал таълим ташкилотларини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни/ <https://lex.uz/docs/5013007>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 29 мартағи “Профессионал таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари ҳақида”ги 163-сон қарори.

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ — НАТИЖАЛАР ВА РЕЖАЛАР

Бахтиёр ШОЙҚУЛОВ,

Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти директор ўринбосари, техника фанлари номзоди, доцент

Мақолада профессионал таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар, қонунчиликка асосан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, педагогик кадрлар тайёрлаш масалалари баён этилган. Шунингдек, Педагогик инновациялар институти профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари томонидан хорижий ва миллий илмий-инновацион лойиҳа ва грантларни жалб этиш ва амалга ошириш, шартнома асосида таълим хизматларини кўрсатиш, илмий-тадқиқот ишлари, рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар таъкидланган.

Калим сўзлар: Профессионал таълим, профессор-ўқитувчилар, хорижий ҳамкорлик, рақамлаштириш, илмий-тадқиқот ишлари.

В статье описаны реформы, проводимые в системе профессионального образования, меры, реализуемые в соответствии с законодательством, и вопросы подготовки педагогических кадров. Также была отмечена работа, проводимая профессорами и специалистами Института педагогических инноваций по привлечению и реализации зарубежных и отечественных научно-инновационных проектов и грантов, оказанию образовательных услуг на договорной основе, научно-исследовательских работ, цифровизации.

Ключевые слова: Профессиональное образование, профессорско-преподавательский состав, зарубежное сотрудничество, цифровизация, научные исследования.


The article describes the reforms carried out in the professional education system, the measures implemented in accordance with the legislation, and the issues of pedagogical personnel training. Also, the work carried out by professors and specialists of the Institute of Pedagogical Innovations on attracting and implementing foreign and national scientific innovative projects and grants, providing educational services on the basis of a contract, scientific research works, digitization was highlighted.

Key words: Professional education, professors and teachers, foreign cooperation, digitalization, scientific research.

Бугунги кунда замонавий Ўзбекистонда фаолиятнинг барча жабҳаларида: ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маърифий ҳамда таълим соҳаларида жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Таълимнинг асосий мақсади — кучли рақобат шароитида ижодкорлик ва ижтимоий фаолликка қодир, жисмонан соғлом ва ватанпарвар фуқаролик фазилатларига эга бўлган касбий ва ижтимоий баркамол шахсни шакллантиришdir.

Илм-фаннинг мана шу улкан ва ноёб асосига таяниб, юртимизда замонавий билим ва юксак маънавий



ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш устувор вазифалардан бирига айланди. Мамлакат келажаги барча соҳаларда билимли инсонларга боғлиқ. Шу боис охирги

“

**Нажот — таълимда,
нажот — тарбияда,
нажот — билимда. Чунки
барча эзгу мақсадларга
билим ва тарбия туфайли
эришилади.**

”

беш йилда таълим сифатини яхшилаш, ўқитувчиларнинг жамиятдаги мавқеини, билим ва тафаккурини юксалтириш бўйича муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 февралдаги “Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайta тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 106-сон қарори билан “Ҳаёт давомида таълим олиш” тамойили асосида бошқарув ҳамда педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш, шунингдек, таълимнинг мақсади ва вазифалари, мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилиш, таълим дастурларини инновацион ёндашувлар асосида доимий янгилаб бориш, ишлаб чиқариш таълими усталарининг касбий эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган малака ошириш шаклларини мустақил танлаш ва ўзлаштириш имкониятлари яратилди.

2022 йилда Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг буйруғига асосан Педагогик инновациялар, касб-хунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти (Институт), унинг **3** та ҳудудий факультетлари ҳамда ОТМ ҳузуридаги **20** та қайта тайёрлаш ва малака ошириш марказларида жами **8 691** нафар раҳбар ва педагог ходимлар малакасини ошириш режалаштирилган эди. Ушбу режа **96** фоизга бажарилди. Шунингдек, Институтда **13** тоифа бўйича йиллик малака ошириш режаси **4 916** нафар бўлиб, йил давомида **4 752** нафар раҳбар ва педагог ходимлар малака ошириди. Бу йиллик режага нисбатан **97%** ни ташкил этди.

Зоро, Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, бизга замонавий илм ҳамда яна бир бор илм, тарбия ва яна бир бор тарбия керак. Мамлакат келажаги, барча ислоҳотлар муваффақияти билимли инсонларга боғлиқ. Бугунги ҳамда эртанги кунимизни, ёшларимиз тақдирини ҳал қиласидан юксак малакали муаллим ва мураббийлар, профессор-ўқитувчилар, ҳақиқий зиёлилар керак.

Шу ўринда Институтда илмий салоҳият **57%** ни ташкил этиб, асосий ва ўриндошлик асосида жами **43** нафар профессор-ўқитувчилар фаолият олиб бормоқда.

Профессионал таълим тизими бўйича малака ошириш курсларида ўқиётган раҳбар ходимларнинг касбий компетенцияларининг ривожланиши, албатта, ўтилаётган фан модулларининг муҳимлиги ва сифатига бевосита боғлиқ. Шунга кўра, малака ошириш курслари тингловчиларига ўтиладиган ўқув модуллари профессионал таълим тизими эҳтиёжлари ва иқтисодиётнинг

ривожланишидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб борилади. Хусусан, жорий йилнинг ўқув режаларига ўнлаб янги модуллар (*Мехнат, хўжалик ҳуқуқи ва комплаенс назорати, Профессионал таълимда халқаро тажрибалар, Таълим хизматлари маркетинги ва меҳнат бозори, Тизимили таҳлил ва қарорларни қабул қилиш, Инсон капитали, Раҳбарнинг Soft skills компетенцияларини ривожлантириш ва бошқалар*) киритилиб, улар асосида малака ошириш жараёнлари ташкил этилди.

Барча соҳада бўлгани каби ўқув жараёнига ҳам халқаро таълим стандартларини жорий этиш ниҳоятда долзарб масала ҳисобланади. Чунки бусиз таълимда тараққиёт бўлмаслиги аниқ. Шу боис мамлакатимизда профессионал таълим тизимиға катта эътибор қаратилаётгани натижасида ушбу соҳада салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Уларнинг барқарор ва самарали ишлашида эса қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар асос бўлиб хизмат қиласи. Эътиборлиси, охирги уч-тўрт йил ичидаги қабул қилинган бир неча фармон ва қарорлар профессионал таълим ривожига хизмат қилмоқда.

Бугун жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган янги Ўзбекистонни замонавий билимга эга, мустақил фикрлайдиган, илмий-инновацион салоҳиятли кадрларсиз тасаввур қилиш қийин. Шунга кўра, касб-хунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, яъни профессионал таълим дастурларини ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (TXCT) даражалари билан уйғулаштириш, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизимини жорий этиш, профессионал

таълим тизимини илфор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муҳим аҳамият касб этиади.

Профессионал таълимнинг таълим дастурларини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш бўйича ишчи гуруҳларга **1284** нафар мутахассислар жалб қилиниб, учинчи даражадаги **103** та, тўртинчи даражадаги **125** та, бешинчи даражадаги **92** та касб ва мутахассисликлар бўйича, шунингдек, "Worldskills" стандартлари асосида **15** та, дуал таълим йўналишида **66** та касб бўйича таълим дастурлари ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди.

Ўқув-методик бирлашмаларда **55** номдаги ўқув қўлланмалар, **25** номдаги ўқув-методик тавсиялар, **480** та ўқитиш материаллари тўпламлари белгиланган тартибда муҳокамадан ўтказилиб, институтнинг edu.profedu.uz порталига жойлаштирилди.

Бу жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш, профессионал таълим муассасалари ўқувчиларига иқтисодиёт ва жамият эҳтиёжларига мос равишда касб-хунар таълимини бериш, меҳнат бозоридаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга мослашувчан муносабатда бўлиш, ўқув жараёни ва ўқитиш технологиясини ўзгартириш, иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжлари ва меҳнат унумдорлиги учун малакали кадрларни тайёрлаш сифатини ошириш, моддий-техника базасидан фойдаланган ҳолда касб-хунарга тайёрлаш (кадрлар тайёрлаш) тизимини ривожлантириш, таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари фаолиятини ривожлантириш каби ишларни жадал амалга ошириш тақозо этилади.

Хорижий ҳамкорлик ишлари

Педагогик инновациялар институти профессор-ўқитувчилари ва мутахасислари томонидан хорижий ва миллий илмий-инновацион **лойиҳа ва грантларни** жалб этиш ва амалга ошириш, шартнома асосида таълим хизматларини кўрсатиш бўйича муайян ишлар бажарилиб келинмоқда. Россия Халқлар дўстлиги университети (РУДН), Россия Федерацияси профессионал таълимни ривожлантириш институти (ИРПО), Белоруссия Республикаси профессионал таълим институти (РИПО), Немис Халқ Университетлари ассоциацияси (DVV), Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), "Sparkassenstiftung" Германия халқаро ҳамкорлик фонди, Британиянинг "Pearson Education Limited" таълим, нашр ва баҳолаш хизмати, Швейцариянинг "SustainableSkills", ЮНЕСКО каби олий таълим муассасалари ҳамда лойиҳа доирасидаги ташкилотлар билан имзоланган ҳамкорлик шартномалари асосида профессионал таълим тизимини ривожлантириш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирилиги грантлари, хорижий ва миллий таълим ҳамда илмий инновацион лойиҳа ва грантларни жалб этиш ва амалга ошириш, пуллик таълим хизматлари кўрсатиш ҳисобидан 2022 йилда Институтнинг бюджетдан ташқари ҳисоб рақамига **3,1 млрд. сўм-дан** ортиқ ҳамда **60 минг евро** маблағ жалб этилди.

Илмий-тадқиқот ишлари

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиласиган куч ҳам илм-фан, таълим ва тарбиядир. Ўзбекистонда таълим тизимини комплекс ривожлантириш,

малакали кадрлар тайёрлаш мақсадларига катта куч ва маблағлар йўналтирилаётгани, изланиш ва тадқиқотлар олиб борилаётгани сабаби ҳам шунда.

Институтда **15 нафар** таянч докторантлар, **2 нафар** докторант ҳамда **68 нафар** мустақил изланувчилар (55 нафар PhD, 13 нафар DSc) — жами **85 нафар** тадқиқотчилар илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Институтда **DSc.03/30.12.2019. Ped.48.01** рақамли Илмий кенгаш фоилияти йўлга қўйилган бўлиб, 13.00.05 – Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси ихтисослигига 2022 йил январь-декабрь ойларида **15 та** PhD ва **4 та** DSc илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимоя қилинди. Шунингдек, **6 нафар** тадқиқотчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинардан муваффақиятли ўтиб, диссертация ҳимояси учун ОАКга маълумотлар юборилди.

2022 йил давомида **26 та** (шундан **4 таси** DSc) илмий тадқиқотларнинг натижалари профессионал таълим ҳамда олий таълим тизимига, шунингдек, малака ошириш жараёнида амалиётга жорий этилган.

2022 йил мобайнида институт илмий тадқиқотчилари (докторант ва мустақил изланувчилар) томонидан жами **30 номда** услубий қўлланма, **31 номда** ўқув қўлланма, **6 номда** дарсликлар яратилган. **42 та** электрон дастурларга муаллифлик гувоҳномалари олинган. Шунингдек, **215 та** илмий мақола (шундан хорижда 89 та), **129 та** тезис материаллари (шундан хорижда 69 та) чоп этилган. Web of Science, Scopus, Science Direct базаларида **14 та** мақола эълон қилинди. Бугунги кунда **10 нафар** тадқиқотчи турли лойиҳаларда илмий-тадқиқот ишларини олиб боришмоқда.

Рақамлаштириш

Бугун мамлакатимиз илғор, ривожланган давлатлар сафидан мустаҳкам ўрин эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Кейинги йилларда Ўзбекистоннинг жадал ривожланиши дунё ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда.

Давлат раҳбари Олий Мажлисга 2020 йилги Мурожаатномасида "Тараққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради", дея таъкидлаб, келаси беш йил ичida рақамли иқтисодиётга ўтиш вазифасини қатъий мақсад сифатида белгилаб берганди. Глобал пандемия бошланиши билан рақамли технологияларнинг роли сезиларли даражада ўси, бу эса рақамли трансформациянинг, айниқса, ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Ўзбекистон учун муҳимлигини кўрсатди.

Ҳақиқатан ҳам, рақамли трансформация жамиятни янада модернизация қилиш ва миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш салоҳиятига эга. Шу нуқтаи назардан, амалга оширилаётган ислоҳотлар, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг келгуси беш йилга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси доирасида барча асосий соҳаларни рақамлаштириш ҳамда мамлакатда ҳақиқий ахборот жамиятини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бугунги кунда профессионал таълим тизимини рақамлаштириш борасида Институтда <http://edu.profedu.uz> — методик таъминлаш платформаси, <http://my.moqt.uz> — малака ошириш ягона ахборот таълим портали, <https://cgtvet.uz> — масофавий таълим платформаси ва <http://profedu.uz> — профессионал таълим тизими раҳбар ва педагог кадрлари учун масофадан

малака ошириш ва қайта тайёрлаш платформаси яратилди.

Биргина <http://edu.profedu.uz> — методик таъминлаш платформасига 2021 йилда **500 та** ва 2022 йилда **301 та** касб ва мутахассисликларнинг ўқув-меъёрий ҳужжатлари, **438 та** ўқув адабиётлари, **355 та** ўқитиш материалари тўплами, **103 та** қисқа муддатли курс дастурлари, **15 та** видеоматериалар ва **8 та** методик қўлланмалар жойлаштирилган бўлиб, улар **15 977** нафар педагогларга методик ёрдам кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил декабрь ойидаги Мурожаатномасида 2023 йилга юртимизда "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили" деб ном берилиши, таълим сифатини ошириш – Янги Ўзбекистон тараққиётининг яккаю ягона тўғри йўли эканлиги таъкидланиши бежиз эмас.

"Нажот—таълимда, нажот—тарбияда, нажот — билимда. Чунки барча эзгу мақсадларга билим ва тарбия туфайли эришилади". Албатта, ютуқлар ўзимизники. Аммо олдимизда турган устувор вазифалар ҳам кам эмас. Бинобарин, бугун замон шиддат билан ўзгариб, барча соҳалар қатори таълим тизими олдига ҳам ўта долзарб ва мураккаб вазифаларни қўймоқда. Жумладан, таълим сифатини янада ошириш борасида, хусусан, бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ўқув-меъёрий ҳужжатларни (Европа ва "WorldSkills" стандартлари ҳамда дуал таълим шаклида) ишлаб чиқиш ва мавжудларини такомиллаштириш, профессионал таълим тизимини рақамлаштириш, илмий тадқиқот ишларини олиб бориш ва хорижий ҳамкорлик каби ишларнинг сифати ва самарадорлигини янада ошириш ҳаётий муҳим заруратдир.

edu.profedu.uz
Методик таъминлаш платформасига жойлаштирилган ресурслар

**Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги ЎРҚ-637-сон Қонуни (2020 йил 23 сентябрь). / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 12.10.2021 й., 03/21/721/0952-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги "Ўзбекистоннинг янги тараққиёт давридат атальим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6108-сон Фармони. / Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.05.2022 й., 06/22/134/0407-сон.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиннинг 2020 йил 7 августдаги "Ўзбекистон Республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 466-сонли қарори. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 10.08.2022 й., 09/22/438/0726-сон.
4. "Ўзбекистонда профессионал таълим" журнали. Нишона сони, 2022 йил.
5. <https://adolat.uz/news/raqamlashtirish-rivozhanishning-muhim-omili>
6. <https://review.uz/oz/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoyevning-2023-yil-uchun-murojaatnomasi-toliq-matn>

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚУВЧИ-ЁШЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ВА ИҚТИДОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Санобар АШУРОВА,

Педагогик инновациялар институти профессори, педагогика фанлари номзоди,

Сайёра УБАЙДУЛЛАЕВА,

Педагогик инновациялар институти таянч докторанти

Мақолада турли қобилияларга эга одамларнинг замонавий жамият ва умуман давлат ривожланиши учун аҳамияти очиб берилган. Ижодий фаолият ва иқтидорнинг асосий турлари, уларни қўллаш соҳалари келтирилган. Иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш ва ривожлантиришда педагогик фаолиятнинг аҳамияти аниқланган. Профессионал таълимда ўқувчи-ёшларнинг ижодий қобилиялари ва иқтидорини аниқлаш масалалари ёритиб берилган.

Калим сўзлар: Ижодий қобилият, иқтидорлилик, шахсни ривожлантириш, индивидуаллик, синов.

В статье раскрывается значение людей с разными способностями для развития современного общества и государства в целом. Перечислены основные виды талантов и области их применения. Определено значение педагогической деятельности в выявлении и развитии талантливой молодежи. Профессиональное образование изучает опыт обучения одаренных учащихся.

Ключевые слова: Молодежь, талант, развитие личности, индивидуальность, испытание.

The article reveals the importance of people with different abilities for the development of modern society and the state as a whole. The main types of talent and their areas of application are listed. The importance of pedagogical activity in identifying and developing talented young people has been determined. Professional education examines the learning experience of gifted students.

Key words: youth, talent, personality development, individuality, test.

Бугунги кунда Профессионал таълим тизимида иқтидорли ёшларни аниқлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу масала, айниқса, таълим жараёнида шахсий ривожланиш зарурати билан боғлиқ. Янги технологияларнинг пайдо бўлиши натижасида ностандарт фикрлайдиган ва олинган маълумотларни таҳлил қила оладиган, шунингдек, жамият ривожига янги мазмун олиб келадиган кадрларга эҳтиёж кескин ошмоқда.

“Иқтидор” юқори салоҳиятга эга бўлган ажойиб қобилияларни ифода-лайди, бу маълум бир фаолият соҳасида энг муҳим натижаларга эришишга имкон беради. Шу билан бирга, улғайиб келаётган ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштиёқи ва интеллектуал

салоҳиятини ошириш, шунингдек, халқаро майдонда мамлакатимизнинг нуфузини янада юксалтириш учун иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини такомиллаштириш зарурати мавжуд [1].

Қобилияларнинг намоён бўлиши қуйидаги соҳаларда мумкин, яъни уларни иқтидор турлари деб атаса бўлади. Иқтидор тури интеллектуал, академик, ижодий, бадиий соҳаларда, алоқа соҳасида (етакчилик) ва психомотор кўникмалар соҳасида ўзига хос ҳақиқий ёки потенциал имкониятлар сифатида иқтидор таърифига кўра талқин этилади.

Улардан баъзиларини таъкидлаш мумкин:

- ўрганиш учун жуда юқори

- салоҳиятни берадиган, келажақдаги тадқиқот фаолиятида қўлланилиши мумкин бўлган интеллектуал қобилиятлар;
- ижодий қобилиятлар: бадиий, мусиқий, адабий истеъдод, актёрлик истеъоди;
 - келажакда муҳандислик мутахассислигини олишга имкон берадиган техник қобилиятлар;
 - ижтимоий қобилиятлар.

Ўқувчининг иқтидорини намоён этишда ижодий фаолият муҳим саналади. Ижодий фаолият — эвристик фаолият бўлиб, унинг моҳияти муаммони тез тушунишдан, асосий ғоя, тушунчанинг моҳиятини англаб етишдан, ҳаракат усулини тўсатдан топишдан иборат. Бундай фаолият юқори жўшқинлик, субъектнинг объектга катта қизиқиши билан тавсифланади.

Ижодий жараён мақсадга интилувчан, мashaққатли ва шиддатли меҳнатdir. У инсондан юқори иш қобилиятини ва фикрлаш фаоллигини талаб қиласди. Ижодий фаолият — яхлит ва узлуксиз ҳаракат эмас. Бу жараёнда кўтарилишлар, тўхтаб қолишлар ва тушиб кетишлар юз беради.

Маҳаллий ва хорижий тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ўқувчининг иқтидор соҳасидан қатъи назар, энг ишончли хусусиятлар севимли машғулотга бўлган юқори эҳтиёж ва ўқувчи ундан оладиган завқdir. Бундай мақсадга мувофиқлик уларнинг иқтидори намоён бўлишининг аниқ кўрсаткичларидан бири бўлиб хизмат қиласди. Бугунги кунда, афсуски, фаолиятнинг турли соҳаларида ажойиб истеъдодларга эга бўлган ҳар бир ёш замонавий жамият ҳаётига муваффақиятли мослаша олмайди.

Профессионал таълим тизимининг одатий тизимида ўртача 2% дан 5%

гача юқори даражадаги қобилиятларга эга ўқувчилар мавжуд. Ушбу тизим иқтидорли ўқувчиларни аниқлаш ва ривожлантиришга мослаширилмаган, бунинг натижасида улар мавжуд вазиятга мослашишга мажбур. Натижада ушбу тоифадаги ёшларга салбий таъсир кўрсатадиган баъзи омилларни аниқлаш мумкин.

Биринчидан, бу ёш авлоднинг иқтидорини талаб даражасида ривожлантира олмайдиган суст ижтимоий мұхит.

Иккинчидан, бу индивидуалликнинг намоён бўлиши ва таълим муассасаси стандартларининг қатъий доирасига мослашиш зарурати ўртасидаги зиддиятдир.

Учинчидан, бу шахсий фазилатларнинг шаклланмаганлигини ҳисобга олган ҳолда жамиятга муваффақиятли кириш учун индивидуалликни сақлашдир.

Бу ўқувчига касбий реализация ва ижтимоий мослашув йўлида сезиларли ёрдам беради.

Юқори интеллектуал қобилиятга эга иқтидорли ўқувчиларни аниқлашда энг жиддий ва энг кенг тарқалган тўсиқ стереотипик кутишлардир. Ўқитувчилар кўпинча юқори интеллектга эга бўлган ўқувчи таълим фаолиятининг барча соҳаларида таълим стандартларидан ошиб кетиши керак, деб нотўғри ишонишади. Агар у фақат битта фан бўйича ажойиб қобилиятларни намоён қилса, бу ўқитувчи томонидан оиласири таъсирнинг натижаси сифатида қабул қилиниши мумкин.

Кутишлар билан боғлиқ яна бир хато — бу ақлий ривожланиш даражаси юқори бўлган ўқувчи таълимнинг барча соҳаларида эришиш учун юқори мотивацияяга эга, ҳамма нарсада энг яхши бўлиш истаги, шу жумладан, умуман ўрганишга ижобий муносабатда бўлишдир.

Бироқ амалда биз мутлақо тескари

ҳодисани кузатишимиз мумкин. Юқори мотивация иқтидорнинг кўрсаткичи бўлиши мумкин, аммо унинг йўқлиги бунинг аксини англатмайди. Тарихга назар ташласангиз, истеъдодли инсонлар томонидан яратилган янги ғоялар, кашфиётлар, ихтиrolар жамият ва умумандавлат тараққиёти учун қанчалик муҳимлигини аниқ кўришингиз мумкин. Иқтидорли одамлар ижтимоий ва сиёсий муносабатлардаги ўзгаришларни ҳис қилиш, фан ва техника, маданият ва санъатнинг янги тенденцияларини эгаллаш хусусиятига эга. Улар янги тенденцияларнинг ривожланишини аниқлайдиган ажойиб кўрсаткичлардир.

Шундай қилиб, иқтидорлилик нафакат психологоик ва педагогик, балки ижтимоий тоифадир, деган хуносага келиш мумкин, чунки биз бутун жамият учун катта аҳамиятга эга бўлган инсон фаолияти соҳасидаги ютуқлар ҳақида гапирамиз. Жамият мамлакатнинг тўлиқ ривожланиши учун ёш истеъдодларни аниқлайдиган ва ривожлантирадиган тизимни ташкил қилиши керак [3].

Ҳозир республикамизда иқтидорли ёшларни ривожлантириш бўйича турли дастурлар мавжуд бўлиб, улар ёшлар учун қўшимча таълим воситаси ҳисобланади. Бундай дастурлар ёшларнинг ўз имкониятини аниқлашга, унинг қийматини англашга ва ривожланишининг индивидуал йўлини кўрсатишга ёрдам беради. Шунингдек, бундай дастурларнинг иштирокчилари жуда юқори даражадаги иқтидорга эга бўлган тенгдошлари билан мулоқот қилиш имкониятига эга, бу биргаликда ривожланиш ва тажриба алмашишни назарда тутади, шунингдек, тенгдошлар ўртасида тушуниш ва қабул қилиш эҳтиёжларини қондиради.

Хорижий таълим тизимини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ўнлаб йиллар

давомида аксарият мамлакатларда ёшларни шакланишнинг дастлабки босқичларида аниқлаш, ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш амалиёти кенг тарқалган. Бундай ишлар натижасида биз жамиятда етакчи ўринларни эгаллаган интеллектуал қатламнинг шаклланишини кўрамиз.

Ушбу масалаларга эътибор жаҳон ҳамжамиятининг иқтисодиёт, фан, техника ва маданият соҳасидаги жадал ривожланиши натижасидир. Ушбу намойишлар, айниқса, ўтган асрнинг 60-йиллари бошидан, Германия, Англия, Франция ва АҚШда ижодий шахсни ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб борилганидан бери аниқ кузатилмоқда. Айнан ўша даврда ижодий муаммолар бўйича тадқиқотлар билан шуғулланадиган олимларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлайдиган халқаро ҳамкорлик яратилди. Хорижий ўрта ва олий мактабларда таълимни ташкил этиш жараёнларини ўрганиш иқтидорли шахсни шакллантиришга ва натижада ўқитиш усусларини такомиллаштиришга қизиқиш ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Шундай қилиб, ушбу масалада қуйидаги жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин: таркибий, ижтимоий, ресурс ва айниқса педагогик, ўқитишнинг янги мазмuni, шакллари ва усусларини излаш натижасида ўқувчиларнинг юқори интеллектуал фаоллиги намоён бўлади. Тадқиқот таҳлили олимларга ўз ҳаракатлари ва хуносаларида мавзу бўйича чуқур билимларни очиб берадиган иқтидорли ўқувчини осонгина ажратиш мумкин деган хуносага келиш имконини берди.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, хорижий олимлар ушбу муаммоларни ҳал қилишда юқори натижаларга эришдилар, бу эса улардан замонавий

таълим тизимини такомиллаштиришда фойдаланиш имконини беради. Инсон ҳаётининг асосий босқичи пойдевор деб аталади, у индивидуал хусусиятларни сезиш зарур бўлган ёшда қўйилади. Ушбу пойдевор қанчалик эрта шакллана бошласа, инсон касб танлашда тўғри йўналтирилган ва замонавий воқеликка мослашиш эҳтимоли шунчалик юқори бўлади.

Аммо ёш авлоднинг ривожланиши содир бўладиган ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳам ҳисобга олиш керак. Ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларнинг табиати, суръати ва ўсиши ёш авлодга жуда қаттиқ талабларни қўяди. Бу келишмовчиликларга ва ёшларнинг ривожланишига таъсир қўрсатадиган турли муассасалар фаолиятининг бекарорлашишига олиб келади.

Замонавий оммавий ахборот воситаларида ёш авлод дунёқарашини шакллантиришга ўта салбий таъсир қўрсатадиган тасвирлар, ғоялар ва стереотиплар устунлик қилади. Ўқитувчилар замонавий тарғиботнинг салбий оқибатларини иложи борича бартараф этиш учун катта куч сарфлашлари керак, айниқса, улар иқтидорли ёшлар билан ишласа. Ахир бу ёш чегаралари ва жамиятдаги мавқеи билан фарқ қилувчи маҳсус ижтимоий ва ёш қатлами — бу болалик ва ўсмириқдан ўтиш ва ижтимоий масъулиятни ўз зиммасига олишdir. Ҳар қандай ҳолатда иқтидорли ўсмирлар билан олиб бориладиган психолигик ва услубий ишларнинг қуйидаги ҳолатлар билан белгиланадиган хусусиятларини эътиборсиз қолдирмаслигимиз керак.

Биринчидан, ўсмириқнинг психолигик хусусиятларини ҳисобга олиш керак, шахсий ривожланиш содир

бўлганда, унинг мустақиллиги ошади, тенгдошлари ва катталар билан муносабатлари сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилади, унинг фаолият доираси сезиларли даражада кенгаяди. Худди шу даврда ўз-ўзини англаш жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида содир бўлади [4].

Иккинчидан, инфанилизм¹ни енгиш ва ота-оналардан психолигик мустақилликка эришиш, катталар орасида янги ҳокимиётларни излаш, уларнинг ҳаётий қарорлари учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш каби психолигик ривожланиш вазифалари.

Учинчидан, ёш иқтидорли авлоднинг психолигик эҳтиёжларини ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Бу юқори қизиқиши, ноанъанавий фикрлаш, индивидуал шахсий ўзига хослиқдир.

Иқтидорли ўсмирлар билан психолигик иш уларнинг индивидуал интеллектуал ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиши ва уларнинг ортиб бораётган талабларини тўлиқ қондиршига ҳаракат қилиши керак. Бу ўзига хос хусусиятларга кўра жуда қийин ва масъулиятли иш, аммо бу фақат иқтидорли ёшларни жалб қилиш кераклигини қўрсатади, чунки бунинг ортида мамлакатнинг келажакдаги ривожланиши мужассам бўлади.

Бугунги кунда ижтимоий ва қонунчилик лойиҳаларини амалга ошириш ниятида бўлган, мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхши томонга ўзgartiriшга интилган шижватли ёшларга катта эътибор қаратилмоқда. Социологлар умуман ёшларни ижтимоий шакллар ва муносабатлар билан ажralиб турадиган мустақил ижтимоий-демографик гурӯҳ сифатида

1. Инфанилизм – ривожланишнинг ўзига хос хусусияти, олдинги ёш босқичларига хос бўлган хусусиятларнинг хулқ-автори ёки жисмоний кўринишида сақланиши.

белгилайдилар.

Ёшларнинг янги авлоди уларнинг жамиятдаги ўзига хос мавқеи билан белгиланадиган баъзи ижтимоий хусусиятларга эга. Шу билан бирга, ёш авлод маълум бир маҳсус ижтимоий тузилмани яратади, шунингдек, аллақачон ўрнатилган ижтимоий муносабатларни ўзгартиради. Ёшликтининг бундай намоён бўлиши замонавий жамиятнинг ўзига хос шароитида ижтимоийлашув жараёнининг қонуниятлари билан белгиланади.

Ўқитувчи профессионал таълимдаги ёш шахснинг иқтидорини баҳолашга вижданан ёндашиши керак. Натижада ўқитувчининг ёрдами ва унинг қўмаги билан ўқувчилар ўз қобилиятларини ўз вақтида англаши ва ривожлантириши, оқибатда улар келажакда ажойиб шахсга айланиши мумкин. Ёшлар жамиятимиз тараққиётини барча соҳаларда ривожлантирадиган, такомиллаштирадиган ва модернизация қиласидиган инсонлардир.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 майдаги ПФ-4306-сонли “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.
3. Руководство для учителей по работе с одарёнными учащимися / под ред. Л.В. Поповой, В.И. Пановой – М.: Молодая гвардия, 1997 – 137 с.
4. Психологические особенности детей подросткового возраста [Электронный ресурс]. – Режим доступа: / gimnazia22 <http://www.gimnazia22.ru/>. – (Дата обращения: 10.01.2019).
5. Никифорова, Т.В. Психологическая поддержка талантливой молодёжи при развитии творческой компетенции / Т.В. Никифоров // Новая стратегия оценивания учебной деятельности: сборник статей. – Самара: Самарский государственный технический университет, 2016. – С. 88–92.



ЖАНУБИЙ КОРЕЯДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМНИНГ РИВОЖЛАНИШИ: СТРАТЕГИЯСИ ВА ТУЗИЛМАСИ

Анвар ЖАЛАЛОВ,

Меҳнат бозори тадқиқотлари институти директори ўринбосари — Меҳнатни меъёrlаш маркази раҳбари, иқтисод фанлари номзоди, доцент

Мақолада Жанубий Кореядаги таълим тизими атрофлича таҳлил қилинган. Бошланғич таълим, ўрта таълим, юқори мактаблар (профессионал таълим)да яратилган шарт-шароитлар ҳақида маълумот берилган.

Калим сўзлар: Таълим тизими, юқори мактаблар, профессионал таълим, ўқувчи.

В статье подробно анализируется система образования в Южной Корее. Даны информация об условиях, созданных в начальном образовании, среднем образовании, высшей школе (профессиональное образование).

Ключевые слова: Система образования, высшие учебные заведения, профессиональное образование, студент.

The article thoroughly analyzes the education system in South Korea. Information is given about the conditions created in primary education, secondary education, higher schools (professional education).

Key words: Educational system, higher schools, professional education, student.

Жаҳонда ахборот ривожланиши-нинг динамикаси ижтимоий институт сифатида таълимга янги юқори талабларни қўяди. Шахсни тез ўзгарувчан дунёда ўқитиш, ривожлантириш ва тарбиялашни таъминлаш, мутахассисларнинг яхлит дунёқарashi ва муносабати,

функционал саводхонлиги ва ижодий касбий маҳоратини шакллантириш зарур.

Жанубий Корея таълим тизими таълим ва фан интеграциясига йўналтирилган бутунжаҳон тамойилини амалга оширади. Дунё амалиётида

ўқув муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларини ўз ичига олувчи академик конгломератлар самарали фаолият олиб бормоқда. Бундай бирлашув илм ва таълим интеграциясининг аниқ асоси бўлиб хизмат қиласидан сабаби мамлакатда ягона илмий-техник ва таълим сиёсатини олиб бориш имкониятини беради.

Жанубий Кореяning замонавий таълим тизими расман Япония мустамлакасидан озод бўлган 1945 йилдан бошланган. Аммо кенгроқ қарайдиган бўлсак, корейсларда таълим тизими 1894 йилги ислоҳотлардан кейин юзага келган дейиш мумкин. 1881 йили Кореядаги Чосон ҳукумати мамлакат хавфсизлигини кучайтириш мақсадида маҳсус армия тузади ва ғарблеклар ҳарбий санъатдан дарс бера бошлайдилар.

Замонавий Корея таълим тизимида бошланғич мактабларнинг роли муҳим. Кореяда бошланғич таълим учун ўқув йилида 1 мартга қадар 6 ёшдан юқори бўлган болалар қабул қилинади. Лекин 5 ёшли болалар ҳам ўқишга киришга ҳуқуқли бўлиб, бунинг учун макtab масъул шахсининг рухсатномасини олиш лозим бўлади. Ўқув йили эса 1 март Корея Республикасида давлат байрами муносабати билан 2 мартдан бошланади.

6 йил давом этадиган бошланғич таълим мажбурий этиб белгиланган. Бошланғич таълимда ўқиш бир йил икки семестрга бўлинган ҳолда олиб борилади. Бошланғич таълимдан кейинги “зинапоя” вазифасини ўрта таълим бажаради. Ўрта таълим Корея Республикасида уч йил давом этади. Ўрта таълим ҳам мажбурий бўлиб, бир ўқув йили 1 мартдан кейинги йил март ойига қадар давом этади. Дарслар 45 дақиқадан белгиланган бўлиб, бир йилда 1222 соатни ташкил этади.

Ўрта таълим мактабларида давлат

тили, ахлоқ, ижтимоий фан, математика, жисмоний тарбия, мусиқа, санъат, чет тили каби 10 га яқин фанлар ўқитилади. Шунингдек, ўрта мактабда ўқувчи учун танлов фанлар мавжуд. Булар қаторига ахборот, чет тили (кўпинча немис, француз, испан, хитой, япон, рус, араб тиллари) кабиларни киритиш мумкин. Ўрта мактабдан кейинги таълим юқори мактабларда (профессионал таълим) давом эттирилади. Юқори мактаблар бир неча турга бўлинади: давлат юқори мактаблари (Корея таълим ва техника фанлари вазирлиги, Маданият, жисмоний тарбия ва сайёҳлик вазирлиги бошқаради), умумий юқори мактаблар (ҳар бир вилоятдаги юқори ташкилотлар томонидан бошқарилади), хусусий юқори мактаблар.

Шунингдек, юқори мактаблар ўқитиш фанларига кўра ҳам бир қанча турларга бўлинади: умумий мактаблар, ихтисослаштирилган мактаблар (қишлоқ хўжалиги, саноат, денгиз хўжалиги, ахборот), маҳсус мактаблар (лицей шаклидаги мактаб), техника мактаблари, чет тили мактаби, жисмоний тарбия мактаби, санъат мактаблари.

Корея Республикасида Таълим вазирлиги маҳсус ташкил этган юқори мактаблар ҳам бор. Булар асосан қишлоқ хўжалиги, балиқчилик, саноат, халқаро тилларга ихтисослашган бўлади. Юқори мактаб ўрта мактаб каби мажбурий эмас. Бироқ кейинги йилларнинг барчасида статистик маълумотларга қараганда, 97–98 % корейс ёшлари юқори мактабни тамомлаган. “Илмий” юқори мактаблар, чет тиллар ва санъатшунослик мактабларига кириш учун анча мураккаб имтиҳонларни топшириш талаб этилади.

Профессионал коллежлар хусусий ва давлат тасарруфида бўлиши мумкин, бу мактабларда мутахassislik

берилмайди, балки ёшларни кейинги таълим босқичига тайёрлайди. Коллежда таҳсил олишни истамаган ўқувчилар касбий билим юртларига кириб ўқишлари мумкин. Бу билим юртлари технология, агрокультура ёки молия йўналишларига ихтисослашган.

Жанубий Кореяда касб-хунар мактаблари 600 тани ташкил этади. Бу мактабларнинг 45%и бўлажак мулкдорларни тайёрлайди, 23%ида техник касб эгалари етишиб чиқади. Қолган мактабларда денгизчилик, қишлоқ хўжалиги ихтисосликлари ўзлаштирилади. Шуниси диққатга сазоворки, бу мактабларни корхоналар оталиқча олган. Жанубий Корея "Таълим ҳақида" гиёнун талабларидан бири ҳам шудир.

Мактаблар учун ўқитувчи кадрлар тайёрлаш масаласига ҳам катта эътибор берилади. Кореядаги барча талабаларнинг 6,5%и бўлажак педагоглардир. Мамлакатда 11 та ўқитувчилар тайёрлайдиган профессионал колледж мавжуд бўлиб, ҳар бир вилоят ўз коллежига эга. Юқори мактаб битирувчилари "сусен" деб номланувчи стандарт тест топширади. Мактаб ўқув дастурлари кириш тестлари — имтиҳонлари мазмунини қамраб олган. Сусен З та асосий секция фанлардан иборат: корейс тили, математика ва инглиз тили.

Ундан ташқари табиий ва ижтимоий фанлардан танлов асосида қатор фанлар киритилади. Бундай тест бир йилда бир марта топширилади, у интенсив тайёргарликни талаб этади. Бу тестга бўлажак олий ўқув юрти талабалари

боғча ёшидан тайёрланишни бошлади. Тестни топширомаган ва колледга кириш 1 йилга сурилган ўқувчиларни "чесусенлар" деб аташади.

Жанубий Кореяда қуйидаги таълим муассасалари турлари мавжуд:

- профессионал колледж ва университетлар (хусусий ва миллий, давлат тасарруфида);
- индустрисал университетлар;
- педагогика институтлари;
- сиртқи университетлар;
- очиқ университетлар.

Жанубий Кореяда колледжларнинг асосий вазифаси малакали ишчилар ёки бўғин идора хизматчиларини тайёрлаштирилади. Талаба колледжни тугатгач, назарий жиҳатдан бирданига университетга, шу билан бирга маҳсус ўтиш имтиҳонини топшириб, бошқа мутахассислик бўйича ҳам ўқишига кириши мумкин.

Жанубий Кореяда профессионал таълим тизимини жорий этиш бўйича олиб борган кичик таҳлилиминиз натижасида Ўзбекистонда профессионал таълимни ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар кун сайин ортиб бораётганини кўришимиз мумкин. Профессионал таълим муассасалари моддий таъминотининг яхши таъминланганлиги, амалий ва лаборатория хоналарининг тўлиқ жиҳозланганлиги, назарий ва амалий билимларнинг ҳамоҳанг тарзда олиб борилиши таълим сифатини ошириш билан бирга етук мутахассислар тайёрланишига замин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Korea Tourism Organization homepage (<http://english.visitkorea.or.kr/enu/index.kto>)
2. Bank of Korea Economic Statistics System KRISET(2012).
3. Vocational Education and Training in Korea. Ministry of employment and labor (2013).
4. <https://www.oecd.org/education/learningforjobs>.
5. Brief of Local & Industry Customized HRD System. Ministry of employment and labor (<http://upgrade-u.tistory.com/>)



ГЕРМАНИЯДА ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ВА ТРЕНИНГЛАР

Шаҳноза ПОЗИЛОВА,

Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
Педагогик инновациялар институти (DSc) докторантни

Азиза ГАНИЕВА,

Мактабгача таълим ташкилотлари директори ва мутахассисларини қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошириш институти таянч докторантни

Мақолада Германияда профессионал таълим тизими ҳақида маълумот берилган. Хусусан, дуал таълим имкониятлари атрофлича баён этилган.

Калим сўзлар: Германия, профессионал таълим, дуал таълим.

В статье представлена информация о системе профессионального образования в Германии. В частности, подробно описаны варианты дуального обучения.

Ключевые слова: Германия, профессиональное образование, дуальное образование.

The article provides information about the system of professional education in Germany. In particular, dual education options are described in detail.

Key words: Germany, professional education, dual education.

Замон ривожлангани сари жаҳонда касблар тури кўпайиб бормоқда. Бу эса нафақат олий таълим муассасаларига, балки профессионал таълим тизимига ҳам ўз талабларини қўймоқда. Профессионал таълим мутахассисларини тайёрлашда уларни ҳар томонлама ривожлантириш, меҳнат бозори талаб-

ларига мослашувчан кадр бўлишига эътибор қаратиш лозим.

Дуал таълим тизими қандай шартларга жавоб беради? Ушбу йўналишларни кўриб чиқишга ҳаракат қиласиз. Швеция, Буюк Британия, Германия, Япония каби мамлакатларда таълим тизимини ривожлантириш тажрибаси

малакали мутахассисларни сифатли тайёрлаш учун асос бўлиб хизмат қила-диган ўқув жараёни ва амалиётини бирлаштириш зарурлигидан далолат беради.

Германия иккиласми таълим тизими тамойилларидан фойдаланган биринчи мамлакат бўлди (ушбу тизим 15 йилдан бери амалда). Ўқув жараёнини амалга ошириш ишлаб чиқариш фаолиятини стажёр (бўлажак мутахассис) сифатида таҳлил қилиш ва ўқув юртида назарий қисмни ўрганиш орқали амалга оширилади. Бундан ташқари, ўқув ва амалий вазифаларнинг босқичма-босқич мурракаблашиши тизими ҳам мавжуд.

Маълумки, Германиядаги профессионал таълим марказлаштирилмаган бўлса ҳам, у маълум бир стандартга мувофиқ қурилган. 1981 йилдан бери "Профессионал таълимни ривожлантириш тўғрисида" (профессионал таълимни режалаштириш ва статистикада тартибга солувчи воситаларни тавсифловчи), "Ёшларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуни, "Касбий таълим тўғрисида шартнома" каби қонун ҳужжатлари мавжуд. Ўқитиш жараёни машғулотлар рўйхатига мутлақо мос келади, ҳозирги пайтда 600 (1971 йилдаги)дан 380 та касбга қисқартирилди. Касблар сонининг қисқариши шу каби фаолият соҳаларида мутахассисларни тайёрлаш билан бирлашиши натижасида рўй берди.

Таъкидлаш керакки, касбларнинг номи, ўқувчиларнинг ҳар бир касбни ўзлаштириши учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг умумийлиги, шунингдек, намунавий ўқув режаси ва якуний сертификатлаштириш талаблари маълум бир соҳа вазири билан биргалиқда ишлаб чиқилган ва келишилган. Ишлаб чиқилган ҳужжатлар ҳуқуқий асос бўлиб, мажбурийдир. Бундан ташқари,

давлат корхонанинг касб таълими харажатларини қоплашга ҳаракат қилмоқда.

Германияда дуал таълим тизими молиялаштириш қарийб ўттиз миллиард еврони ташкил этади. Икки томонлама таълим ёрдамида корхоналарнинг аксарияти ўзларини иш берувчиликнинг аниқ талабларига жавоб берадиган малакали кадрлар билан таъминлайдилар, бу эса ходимларни излаш, танлаш, мослаштириш харажатларини тежаш имконини беради.

Дуал таълим бўйича турли адабиётларни ўрганиб чиққандан сўнг, биз бундай таълимнинг жуда кўп фойдали томонлари борлигини аниқладик. Дуал тизим шароитида таълим нафақат ўқув муассасалари, балки саноат корхоналари, фирмалар, ташкилотларни ўз ичига олади. Дуал таълим тизимининг дастурлари назария ва амалиёт томонидан синовдан ўтган "ноу-хау"ни бирлаштиради.

Ўзгаришларнинг мазмуни шундан иборатки, талabalар бир вақтнинг ўзида иккита таълим муассасасида: университетлар ва институтларда — назарий қисмда, ишлаб чиқаришда эса — амалий муҳитда таълим оладилар. Иккилик тизим анъанавий тизимдан ажралиб турувчи хусусият сифатида бутун ўқув даври давомида назария ва амалиётнинг алмашинишини назарда тутади, бу эса олинган билим ва қўникмаларни қўллаш самарадорлигига олиб келади.


Дуал таълим тизими касб-хунар таълими тизимидан фарқли ўлароқ, ўқув ҳафтасининг кўп қисми корхонада амалиётга, кичик қисми эса (1-2 кун) университетга бағишлиланган бўлиб, дуал таълим тизими техник ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда, қурилиш, муҳандислик соҳаларида ҳам қўлланилади. Дуал тизим ижтимоий менежмент,

туризм менежментида яхши самара беради.

Сўнгги ўн йилликларда юқори малакали мутахассислар тайёрлашнинг доимий равишда такомиллаштириб борилиши туфайли икки томонлама таълим тизими ахборот технологиялари соҳасида мақбул бўлиб қолди. Германияда дуал таълим тизимини жорий этишнинг малий тажрибаси шуни кўрсатадики, бўлажак мутахассисларни тайёрлашнинг кўп соҳалари ижтимоий шериклар, минтақалар ва давлат ўртасидаги келишув билан тартибга солинади. Муайян йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш ёшларга профессионал ҳаракатчанлик ва рақобатбардошликни таъминлашга имкон берадиган кадрлар бозорининг талаблари га асосланган. Ўқиш муддати 3 йилгача этиб белгиланган. Корхонада амалий машғулотлардан ўтган ўқувчилар иш ҳақи олишади. Тизим давлат ва корхоналар томонидан молиялаштирилади. Давлатнинг ваколати бу корхонада ўқитиш, минтақанинг ваколати эса профессионал универси-

тетда ўқишни ўз ичига олади.

Юқорида айтилганларнинг барчасидан келиб чиққан ҳолда шуни таъкидлаш керакки, профессионал таълим тизимида ги дуал тизимнинг асосий моҳияти таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларини таҳлил қилиш орқали мутахассисларни тайёрлашда амалий йўналишни кучайтиришга асосланган бўлиб, бу таълим муассасалари битиравчиларининг касбий ҳаракатчанлигини ошириш имкониятини сезиларли даражада оширади. Шу билан бирга дуал таълимни амалга оширишда таълим фаолиятини ташкил этишда зарур бўлган туб ўзгаришлар, ўқув жараёнининг барча даврида етарлича интеграция ва назарий ҳамда амалий қисмларни бирлаштириш зарурлигини назарда тутиш керак. Бундан ташқари, дуал таълим тизими, бизнинг фикримизча, самарали ва мослашувчан механизм бўлиб, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида турли соҳалардаги корхоналар томонидан талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлашга имкон беради.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аникеев А.А., Артуров Э.А. Германиядаги замонавий таълим тузилиши // Алма матер. – 2012. – №3.
2. Мисиков Б. Замонавий университет: мақсадлар дуализми // Россияда олий таълим. – 2006 йил. – №11. – ФРОМ. 167-168.3.
3. Полянин В.А. Ўқитувчини икки томонлама ва касбий ўзини ўзи белгилашнинг таълим тизими // Таълим технологиялари. – 2010 йил. – № 2. – С.
4. Терещенкова Элена В. Ўқитувчининг коммуникатив компетенцияси: касбий жиҳати // Концепция. – 2014 йил. – № 02 (феврал). 14038. – URL: <http://ekonept.ru/2014/14038>.

МДҲ МАМЛАКАТЛАРИДА ТЕХНОЛОГИК ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ

Камаладин МАТЯКУБОВ,

Чирчик давлат педагогика университети
“Технологик таълим” кафедраси таянч докторанти

Ушбу мақолада технологик таълимнинг пайдо бўлишига нисбатан ҳаётий зарурат, унинг дунё мамлакатлари таълимида пайдо бўлиш тарихи, ривожланиш тадрижи ёритилган. Шунингдек, технологик таълимнинг мамлакатимиз узлуксиз таълим тизимидағи ўрни, аҳамияти ва ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинган. Технологик таълимнинг устувор йўналишлари аниқлаштирилган.

Калит сўзлар: Технология, технологик таълим, таълим технологияси, политехник таълим.

В данной статье рассматривается жизненная необходимость в связи с возникновением технологического образования, история его появления в образовании стран мира, развитие преподавания. Также были проанализированы роль, значение и тенденции развития технологического образования в системе непрерывного образования нашей страны. Были определены приоритетные области технологического образования.

Ключевые слова: Технология, технологическое образование, образовательная технология, политехническое образование.

This article covers the vital necessity in relation to the emergence of technological education, the history of its emergence in the education of the countries of the world, development teaching. Also, the role, importance and development trends of technological education in the system of continuing education of our country were analyzed. Priority areas of technological education have been identified.

Key words: Technology, technological education, educational technology, polytechnic education.

Собиқ Иттифоқ республикаларида 1950-йилларда кузатилган фан-техника тараққиёти умумий ўрта таълим мактабларида политехник таълимни жорий қилиш заруриятини келтириб чиқарди. Шундан келиб чиқсан ҳолда, ўн йиллик умумий ўрта таълим мактабларида политехник таълимни ўқув режасига киритиш ва худди шу йўналишдаги мактабларни ташкил этишга қарор қилинди. Бу эса олий педагогик таълим муассасалари олдига ушбу мактабларда умумтехника ва меҳнат фанларидан дарс берадиган юқори малакали ўқитувчи кадрлар тайёрлашни асосий вазифалардан бири қилиб қўйди.

Бу вазифани амалга ошириш учун 1957 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида “Физика ва ишлаб чиқариш асослари” ўқитувчисини тайёрлаб бериш учун

моддий-техник база яратишга киришилди. 1957–1959 йилларда Физика факультети қошида машинасозлик технологияси лабораторияси, автотрактор ўқув хонаси, металларга ишлов бериш ва дурадгорлик устахоналари ташкил қилинди [7].

Умумий ўрта таълимнинг бир қатор таълим стандартлари ва дастурлари қайта кўриб чиқилиши ва амалиётга жорий этилишига қарамай, масалан, МДҲ мамлакатларининг айрим мактабларида технологик таълимнинг мазмунида сезиларли ўзгаришлар кузатилмади: уҳалиҳам иқтисодиётталаблари ва воқелигига номувофиқ амалга оширилмоқда. Технологик таълимнинг эскирган воситалари, жумладан, устахоналар ва лабораторияларнинг моддий-техник базаси, энг муҳими, технология дарслари ва синфдан ташқари машғулотларда ўқувчиларга долзарб ишлаб чиқариш,

технологик ва конструкторлик ҳамда тадқиқот муаммоларини тўлиқ ҳал қилиш имконини бермайди, гарчи бундай уринишлар бўлса-да, баъзи мактабларда, қўшимча таълим марказларида, ёшлар инновацион ижодиёт марказларида ва болалар технопаркларида амалга оширилмоқда.

Мактаб ўқувчиларида технологик таълим беришни ривожлантиришнинг асосий муаммоси — бу шахснинг технологик маданияти даражасига сезиларли даражада ортиб бораётган талабларни қўшган ҳолда янги технологик тартибининг вазифаларида жавоб берадиган мазмуни ва воситаларини топишдан иборат.

Технологик таълим структураси МДҲ мамлакатларида 1980-йилларда шаклланди. Ўтган аср сиёсатида кузатилган политехника тамоили В.С. Леднев, П.Р. Атуров, В.А. Поляков ва бошқаларнинг асарларида батафсил тавсифланган ва таҳлил қилинган. Уларда политехника таълим мининг асосий таркибий қисмлари сифатида қўйидагилар кўриб чиқилган:

- технологиянинг умумий таълимни ўрганишни белгиловчи инструментал (техник) компоненти;
- технологияни ўрганиш йўналишини белгиловчи оператив ва процессуал (технологик) компонент;
- мактаб ўқувчиларининг келажакдаги қасбининг ўзига хосхусиятларидан қатъи назар, энг кенг тарқалган фаолият турлари соҳасида техник ва технологик тайёргарлик.

Тадқиқотларимиз мактаб ўқувчиларининг технологик таълими мазмунидаги санаб ўтилган компонентлар асосида тўртта йўналиш мавжудлигини кўрсатди:

1. Техник меҳнат.
2. Хизмат кўрсатиш меҳнати.
3. Қишлоқ хўжалиги меҳнати.
4. Чизиш.

Ҳозиргача “Технология” фанини ўрганишнинг умумий модуллари уй маданияти, оила иқтисодиёти, тадбиркорлик асослари ва лойиҳалаш усули бўлган ва шундай бўлиб қолмоқда.

Технологик таълим бўйича ўқув материалининг мураккаблиги ва ҳал қилиниши керак бўлган вазифалар турлари меҳнат обьектларига қўйила-диган талабларнинг ўзгариши (қисмлар сони, қайта ишлаш шакли ва сифати, маҳсулотни йиғиҳ хусусиятлари) асосида юзага келди. Шунингдек, технологик жараёнларга материалларни қайта ишлашнинг қўлда ишлов бериш усулларидан электрлаштирилган, машина ва автоматлаштирилган усулларига ўтилди.

Тегишли моддий-техник таъминотнинг йўқлиги, ўқув дастурлари анъанавий турларни чуқур ўрганишга йўналтирилганлиги сабабли, қайта ишланган материаллар турлари, ўрганилаётган технологиялар ассортименти ва жиҳозларнинг замонавий моделларини кенгайтириш орқали технологик таълим мазмунини янгилаш сўнгги пайтларда деярли имконсиз бўлиб қолди. Эндиликада ўқув материалларини ўқитиш мазмунига ва мавжуд дарсликларга интеграция қилиш лозим. Технологик таълим мазмунининг ягона янги таркибий қисми (меҳнатга ўқитиш билан солиширганда) муаммони комплекс ҳал қилишни ва турли хил илмий билимлардан олинган билимларга асосланган моддий (баъзан ахборот) маҳсулот яратишни ўз ичига олган ўқув ва ижодий лойиҳаларни амалга оширишдан иборат.

В.А. Калней, Д.А. Махотин, Е.Г. Рахимоваларнинг тадқиқотлари шуни кўрсатадики, мактабнинг технологик таълимини ислоҳ қилиш давлари янги технологик режимларнинг биринчи ўн иллигига тўғри келади.

Технология (грекча: "techno" – ҳунар, уста ва "logos" – фан, таълим) илмий-амалий жараён асосида хомашёни тайёр маҳсулотга айлантиришнинг усуллари маъносини англатади.

Технология саноат, қурилиш, транспорт, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда маҳсулотлар олиш, уларга ишлов бериш ва уларни қайта ишлаш усуллари тартибга солинган тизимдир. Шу усулларни ишлаб чиқиш, жорий қилиш ва такомиллаштириш билан шуғулланадиган фаннинг номи ҳам технология атамаси билан юритилади. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос технологияси бўлади: кон ишлари технологияси, машинасозлик технологияси, қурилиш технологияси, қишлоқ хўжалиги технологияси ва бошқалар.

Умумий саноат жараёнининг бир қисми ҳисобланувчи ишлаб чиқариш, ташиб, сақлаш, назорат қилиш ҳақидаги иш-ҳаракатлар ҳам технология деб аталади. Ҳозирги вақтда технология кўйидагиларга бўлинади:

- олдинги қатордаги технология;
- қолдиқсиз технология;
- ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш технологияси;
- халқаро стандартга мос технология [2].

Технологик таълим билан таълим технологиясини аралаштирумаслик керак. Таълим технологияси технологияни қўллашнинг тор доирасига йўналтирилган бўлиб, у технология таълим мининг умуман технологиядан фойдаланишга қарама-қаршилигидан фарқли ўлароқ, таълим жараённада ундан фойдаланишни ифодалайди [3].

Бугунги кунда рақамли инқилоб янги таълим истиқболларини таклиф этмоқда. Таълим олувчилар синф ичida бўлмасалар ҳам, онлайн тарзда таълим олишлари мумкин. Технологияларнинг

ривожланиши ҳозирги ва келажакдаги технологик такомиллаштиришни бирлаштириш ва ушбу янгиликларни мактаб таълими тизимига киритишнинг янги ёндашувларини ўз ичига олади. Кундалик таълимга киритилган технологиялар аралаш таълим билан янги мұхит яратади [4].

Технологик таълим — ижодий технологик фикрлаш, технологик қобилиятлар мажмуи бўлиб, шахсий хусусиятларни ривожлантиришни назарда тутади ва ўқувчиларнинг технологик, экологик, иқтисодий маданиятини шакллантиришга қаратилган ўқитиш ва таълимнинг уюшган жараёни, ижтимоий мослашувчанлик, рақобатбардошлик, тайёргарлик, касбий фаолиятни ўз ичига олади. Технологик таълим мазмунини амалга ошириш натижаси ўзгарувчан амалиёт билан боғлиқ мұхитда фаол ва мустақил ҳаракат қилишга тайёр бўлган барқарор ва муваффақиятли ўрганувчи (ўқувчи, талаба) бўлиши керак.

Касбий педагогика соҳасидаги таникли мутахассис Ю.Л. Хотунцева технологик таълим технологик маданиятга эришишнинг асосий воситаси эканлигини, бу ҳар қандай ижодий фаолиятнинг универсал ва ажралмас шарти эканлигини таъкидлайди. Технологик маданият деганда, моддий ва маънавий ишлаб чиқариш технологиялари ютуқларида ифодаланган ва табиат, жамият ва технологик мұхит билан уйғун муносабатда бўлиш асосида замонавий технологик жараёнларда самарали иштирок этиш имконини берадиган инсоннинг ўзgartирувчи фаолиятининг ривожланиш даражаси тушунилиши мумкин.

Технологик таълимнинг тузилиши сифатида В.Д. Симоненко технологик билимлар, кўникумалар ва технологик жиҳатдан мұхим шахсий хусусиятлар-

нинг йиғиндисини кўриб чиқади. Технологик билимлар трансформацион фаолият воситалари ва усуслари ҳақидаги билимлар билан ифодаланади. Технология мактабнинг амалиётга йўналтирилган ўқув предмети бўлиб, маҳсулотларни лойиҳалаш, қуриш ва ишлаб чиқариш соҳасидаги фан асосларига оид билимларни амалиётда қўллаш ва ижодий фойдаланиш имконини беради. Бу ўқувчиларнинг умумий таълимдан технологик таълимга ўтишининг узлуксизлигини, узлуксиз ўз-ўзини тарбиялаш ва меҳнат фаолиятини таъминлайди.

Ўқувчиларнинг қизиқиш ва майларини, таълим муассасаларининг имкониятлари ва маҳаллий ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олиш мақсадида 5–9-синфларда технология бўйича асосий таълим дастурлари мазмуни учта йўналишдан бири доирасида олиб борилиши мақсадга мувофиқ: "Саноат технологиялари", "Уй хўжалиги технологиялари" ва "Қишлоқ хўжалиги технологиялари".

Замонавий ва истиқболли технологияларни ўрганиш шуни кўрсатадики, уларнинг мазмунига технология бўйича таълим дастурларини киритиш асосида жараён жадаллашади. Бунинг натижасида технология таълимида қўйидаги йўналишлар ажralиб чиқади:

- 1) янги материалларни яратиш технологияси (биопластика, углерод толаси, генетик модификацияланган маҳсулотлар ва бошқалар);

- 2) материалларни ўзgartириш (нанотехнологиялар, лазер технологиялари);

- 3) энергия тежовчи технологиялар, муқобил энергия, биоёқилғи;

- 4) ахборот технологиялари (компьютер технологиялари, робототехника, ақлли уйлар, глонасс ва бошқалар);

- 5) транспорт технологиялари;

6) барқарор ривожланиш технологиялари (материалларни тежаш, чиқиндиларни қайта ишлаш).

Одамларнинг технологик фаолияти-нинг умумий тамойилларини, технологик тизимлар тузилишини, лойиҳалаш тамойилларини ва ижодий фаолият қонуниятларини ўрганиш ўқув предмети сифатида технологиянинг зарур илмий даражасини таъминлаш имконини беради [5].

Аҳолининг ривожланмаган технологик компетенциялари ва бу соҳаларни яхши ўқийдиган мактаб ўқувчилари ва талабаларнинг амалий фаолият даражасининг пастлиги мактаб ўқув дастурининг технологик ўзгаришлардан орқада қолиши билан изоҳланади. Кўпгина мактабларда технология дарслари ўнлаб йиллар давомида ўзгармади. Мактабдан ташқари таълимда болаларнинг атиги 7 фоизи технологияга йўналтирилган дастурларда қатнашади. Технологик таълим тизими таклиф этаётган технологик компетенциялар ҳозирги меҳнат бозори талабларига (ҳатто минтақавий даражада ҳам) жавоб бермайди. Мактаблардаги технологик таълим ва олий ўқув юртларида технологик таълим форматлари ҳам эскирган: узок, мослашувчан бўлмаган дастурлар тез ўзгарувчан технологияларга мос келмайди.

Технология таълими — бу професионал ташкилотга, яъни Халқаро технология таълими ассоциациясига (ITEA) тааллуқли бўлган таълим соҳаси бўлиб, у учун ITEAning "Барча американклар учун технология" лойиҳаси доирасида технологик саводхонлик стандартлари тўплами ишлаб чиқилди. Унга кўра технологик саводхонлик қўйидаги мазмунни ифодалайди:

- технология ёки технологик тадқиқотларни ўрганиш;

- технология таълими технологияни контентнинг таълим соҳаси сифатида ўргатади;
- технология таълими технологиянинг кенг спектри билан шуғулланади, яъни инсоннинг идрок этилган эҳтиёжларини қондириш учун табиий муҳитни ҳар қандай янгилик, ўзгартириш ёки модификация қилиш тушунилади.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари ва дастурларида технологик таълимнинг янги мазмунини жорий этиш учун қуидагилар амалга оширилиши зарур:

- биринчидан, ўқувчилар томонидан универсал фаолиятни ўзлаштириш,

бундай мазмунни танлаш мезонларини ишлаб чиқиш ва фундаментал тушунчалар ва кетма-кетлик асосида ўқув материалини қуриш тамойиллари, тартиби ва мантигини тавсифлаш зарур;

- иккинчидан, технологик тайёргарликни амалга ошириш воситалари ни танлаш ва улардан энг мақбулини аниқлаш керак;
- учинчидан, дарс ва дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида замонавий услуг ва технологиялардан фойдаланиш бўйича ўқитувчилар учун услугбий кўрсатмалар ишлаб чиқиш талаб этилади.



Фойдаланилган адабиётлар:

1. Poligrafiya, olsheu texnikasi, ag'ash өңдеуjabdiqtarijene metall өңдеu texnikasi men texnologiyasi: Qazaqsha-orissa terminderdiq tysindirme səzdigi.
2. Kichik Dugger, Uilyam E. Naik, Nitin (2001-yil sentabr). "Texnologik ta'lif va ta'lif texnologiyalari o'rtaqidagi noto'g'ri tushunchalarni aniqlashtirish". Texnologiya o'qituvchisi. 61 (1): 31–35.
3. "Ta'lif texnologiyalaridan foydalanishning hozirgi holati | Pearson blogi". AQSH. 2015-12-10. Olingan 2018-07-03.
4. Кутумова А.А., Алексеевнина А.К., Злыгостев А.В. Технологическое образование в двухуровневой системе подготовки педагогических кадров // Фундаментальные исследования. – 2014. – № 9-2. – С. 414-417; URL: <https://fundamental-research.ru/ru/article/view?id=34864> (дата обращения: 06.05.2022).
5. U.S. Department of Education, Office of Educational Technology. (2016) Future ready learning: reimagining the role of technology in education. Retrieved from <https://tech.ed.gov/netp/>
6. Lerner, C. & Barr, R. (2014) Screen sense: setting the record straight: research-based guidelines for screen use for children under 3 years old. Zero to Three, page 2. Retrieved from <https://www.zerotothree.org/resources/1200-screen-sense-full-white-paper>
7. <https://new.tdpu.uz/fakultet/45>

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИГА КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ ЎҚУВ-БИЛИШ ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Зухра ИСМАИЛОВА,

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари
институти Миллий тадқиқот университети “Профессионал таълим ва жисмоний
маданият” кафедраси профессори, п.ф.д.

Мақолада профессионал таълим тизимиға кадрлар тайёрлашда талабалар ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш мазмунини ташкил этувчи асосий манбалар, профессионал таълим тизимининг ривожлантирилиши билан боғлиқ ҳолда сўнгги чорак аср давомида халқаро таълим амалиётида “мобиллик”, “мобиллашув”, “академик мобиллик” каби тушунчаларга таянган ҳолда ишлаб чиқариш техника ва технологияларининг тезкор ўзгариши шароитида касбий мобиллик мутахассис малакасининг муҳим таркибий элементи сифатида намоён бўлиши каби масалаларга оид фикрлар келтириб ўтилган.

Калим сўзлар: Ўқув-билиш, фаолият, жараён, касбий таълим, академик мобиллик, мобиллик, касбий мобиллик, мантиқий структура, ўқув жараёни, шаффофлик.

В статье выделены основные ресурсы, составляющие содержание развития учебной деятельности студентов при подготовке кадров для системы профессионального образования, производства на основе таких понятий, как «мобильность», «мобилизация», «академическая мобильность» в международной образовательной практики за последнюю четверть века в связи с развитием системы профессионального образования. представлена квалификация специалиста.

Ключевые слова: Обучение, деятельность, процесс, профессиональное образование, академическая мобильность, мобильность, профессиональная мобильность, логическая структура, образовательный процесс, прозрачность.

In the article, the main resources that make up the content of the development of students' learning activities in the training of personnel for the professional education system, production based on concepts such as "mobility", "mobilization", «academic mobility» in international educational practice during the last quarter of a century in connection with the development of the professional education system In the conditions of the rapid change of techniques and technologies, the opinions specific to such issues as the manifestation of professional mobility as an important structural element of a specialist's qualification are presented.

Key words: learning, activity, process, professional education, academic mobility, mobility, professional mobility, logical structure, educational process, transparency.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, илм-фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши, таълим мазмунига ҳам изчил равишда ўзгартиришлар киритиш борасида “таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштириш”¹ устувор вазифа

сифатида қаралмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз // ЎзР Президент лавозимига киришиш тантанали маросимиға бағишлиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидағи нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56-б.

кадрлар тайёрлаш сиёсатини давом эттириш² вазифаларини бажаришда, олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини оширишда илмий-тадқиқот ва инновация фаолиятини рағбатлантириш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш долзарб ҳисобланади.

Юқоридаги долзарб масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”³ги қарорининг қабул қилиниши ва унда кўрсатилган масалаларда профессионал таълимни ташкил этиш, улардатаълим жараёнини олибборишда жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган мутахассис кадрларни тайёрлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилганлиги ҳозирда олий таълим тизими борасида давлат сиёсати мазмуни ва талаблари профессионал таълим тизимида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятларини ривожлантиришни тақозо этади. Чунки бугунги кун олий таълим тизимидағи талаба эртанги кун профессионал таълим тизимининг бўлажак етакчи мутахассиси, ўқитувчиси, мураббийси, раҳбари бўлиши кўзда тутилган.

Ҳозир олий таълим тизимида бу соҳада бир қанча муаммоларни ҳал қилиш кўзда тутилган бўлиб, улар қўйидагиларни ўз ичига олади:

- олий таълим соҳасида етакчи хорижий давлатлар билан профессионал таълим тизими борасида

- интеграцияни таъминлаш;
- таълимнинг бу босқичи ўзининг сифати, самарадорлиги, шаффоғлиги, амалий қийматга эгалигини амалиётда яққол намоён эта олиши;
- Болонъя шартномасига аъзо давлатлар қаторига кирган ҳолда, ҳалқаро таълим стандартларига мувофиқ малакали, кучли рақобатга бардошли кадрларни тайёрлаш шарт-шароитларини яратишга эътибор қаратиш ва ҳ.к.лар кутилган натижаларни қўлга киритишда зарур аҳамиятга эга эканлиги исбот талаб қилмайдиган аксиома сифатида эътироф этилмоқда.

Айнан бу масалаларда касбий таълим тизимининг ривожлантирилиши билан боғлиқ ҳолда сўнгги чорак аср давомида ҳалқаро таълим амалиётида “мобиллик”, “мобиллашув”, “академик мобиллик”, “талабалар мобиллиги”, “касбий мобиллик” каби атамалар фаол қўлланиб келинмоқда. Бизнинг фикримизча, ушбу атамаларнинг изоҳи тўғрисида сўз юритиш мақоламиз муаммосининг характеристини тўла ёритишига имкон беради.

“Мобиллик” (“mobilis”) тушунчаси лотин тилидан олинган бўлиб, “ҳаракатчан” маъносини англатади. Электрон манбаларда эса ушбу тушунча “олға қараб ҳаракатланиш қобилиятига эгалик”⁴, кўпроқ маош олиш истагида турар жойи ёки ишини, шунингдек, ўзининг ижтимоий ҳамда мулкий ҳолатини тезкор ўзгартира олиш қобилиятига эгалик, ўзининг мавжуд аҳволи, ҳолатини тезкор ўзгартиришга бўлган ҳаракатчанлик, қобилият эканлиги кўрсатилади.

2. Мирзиёев Ш.М. Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва ҳалқ фаровонлигининг гарови. – Т: “Ўзбекистон” нашриёти, 2017. – 24-6.

3. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли “Касбий таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. Т: 2019 йил.

4. Академическая мобильность // <https://ru.wikipedia.org/wiki>.

Талабалар мобиллиги — таълим олиш, бакалавр ёки магистр даражасига эга бўлиш мақсадида талабаларнинг:

- хорижий мамлакатларда тўла таълим курсини ўтиш асосида хорижий дипломга эга бўлиш;
- академик мобиллик доирасида тўлиқ таълим курсининг ярми ҳажмидаги юкламаларни ўзи таҳсил олаётган ва хорижий олий таълим муассасасида бажариш асосида битта ёки иккита дипломга эга бўлишларини таъминловчи ҳаракат, шунингдек, ўқув дастурларининг алмашинуви жараёни.

Касбий мобиллик — муайян касбий фаолият турини бошқаси билан алмаштириш ёки меҳнат турини ўзгартириш имконияти ва қобилиятига эгалик. Моҳиятига кўра касбий мобиллик, яна шунингдек, касбий билимларнинг юқори даражада умумлашганлик, ўз мутахассислиги соҳасида турли вазифаларни бажаришда самарали воситаларни тезкор танлаш ва улардан фойдаланишга тайёрлик даражаларини назарда тутади.

А.И. Ковалёванинг кўрсатишича, касбий мобиллик олий таълим педагогларининг фаолиятида ҳам яққол кўзга ташланади. “Олий таълим муассасаси педагогининг касбий мобиллиги унинг ҳар хил турдаги ёки бир-бирига яқин фанлар бўйича машғулотлар (маъруза, семинар, амалий машғулот ва бошқалар)ни муваффақиятли ташкиллаштириши ва ўтказишини ифодалайди”⁵.

Юқорида билдирилган фикрлар ўз навбатида умумий ҳолда “таълимнинг мобиллашуви” тушунчасининг моҳиятини ёритишга хизмат қиласи. Шундан келиб чиқсан ҳолда “таълимнинг мобиллашуви” тушунчасини қўйидагича

изоҳлаш мумкин: таълимнинг мобиллашуви таълим жараёнининг илм-фан, техника ва технологияларнинг тезкор ривожланиши, глобал ахборотлашув билан боғлиқ ҳолда ўқитиш мазмунини янги билимлар билан тезкор бойитиши, уларни таълим олувчиларга самарали, фаол етказишни тақозо этувчи жараёндир. Таълимнинг мобиллашуви ўз навбатида талабалар томонидан мавжуд билимларни тезкор ўзлаштириш заруриятини ифодалайди. Ушбу зарурият талабалардан ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга эришишни тақозо этади. Бинобарин, ҳар қандай фаолиятда бўлгани каби ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш негизини ўқув-билиш фаоллиги ташкил этади.

Тадқиқот муаммосини ўрганишда “ўқув фаолияти” тушунчасининг моҳияти билан ҳам танишиш мақсадга мувофиқдир. Дастваб “ўқув-билиш фаолияти”ни тақозо этувчи фаолият ҳамда ўқув фаолияти тушунчаларининг мазмунини ёритиш ўринли.

Фаолият — шахс томонидан табиий ва ижтимоий мақсадга мувофиқ ташкил этилувчи кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларнинг муайян шакли, кўриниши саналади⁶. Демак, фаолият учун табиий ва ижтимоий мақсадлар асос бўлиб хизмат қиласи. Шахс ўз олдига қўйилган табиий ва ижтимоий мақсад ҳарактеридан келиб чиқсан ҳолда кундалик, ижтимоий ёки касбий ҳаракатларни ташкил этади.

М.С. Каган фаолиятни борлиқни англаш воситаси сифатида қабул қиласи ва фаолиятнинг қўйидаги турларини ажратиб кўрсатади: 1) билиш фаолияти; 2) ўзгартирувчи фаолият; 3) мақсадлийўналирилган фаолият; 4) мулоқот.

5. Ковалёва А.И. Профессиональная мобильность // Ж. Знание, понимание, умение. – М.: 2012. – № 1. – С. 298-299.

6. Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика назарияси. 1-қисм /Муаллифлар: М.Х.Тўхтахўжаева ва б. – Т.: “Iqtisod-moliya”, 2007. – 385-б.

Э.Т.Изергин билиш фаолиятини унинг таркибий тузилмасига кўра ўрганишга уринади. Тадқиқотлари натижасида билиш фаолиятининг кўриниши, типи, усули, шаклларига назарий тавсиф беради. Улар:

Билиш фаолиятининг кўриниши — фаолият объектига бўлган муносабатига кўра субъектнинг қандай ишни бажаришини кўрсатувчи тавсиф. Умумий маънода ўқув фаолияти — ҳиссий қабул қилиш, назарий тафаккур ва амалий фаолият бирлиги саналади. У шахс турмушининг ҳаётий босқичларida турли фаолият кўринишлари, ижтимоий муносабатлар, шунингдек, ўқув жараёнидаги турли предметли-амалий ҳаракатларни бажариш орқали амалга ошади. Бироқ фақаттаълим жараёнидаги билишгина шахс ўқув-билиш фаолиятининг ўзига хос тавсифига эга бўлади. Таълим олиш асосида англаш шахснинг ўқув-билиш фаолиятида, масалан, ўқув жараёнидаги тажриба ўтказиш, қуриш, лойиҳалаш, тадқиқот масалаларини ҳал қилишда предметли-амалий ҳаракатларни бажариш каби ўзига хос шаклга эга бўлади⁷.

Ўқув-билиш фаолияти қўйидаги ҳаракат ва операцияларнинг бажарилиши ҳисобига таъминланади:

- 1) ўқув материалини билиш ва уни ўзлаштиришга қаратилган ҳаракат;
- 2) ўқув материалини қайта ишлашга қаратилган ҳаракат.

Т.И.Шамованинг тадқиқотларида олий таълим муассасаларида ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган таълимни ташкил этишга қўйиладиган талаблар шакллантирилган⁸. Улар: фаннинг назарий (мазмунли) блоки талабаларнинг асосий фикрий ва

амалий ҳаракатларидан таркиб топиши зарур; фаоллашириш воситалари билимларни ўзлаштириш ва фаолият усуллари алгоритмининг фаоллигига йўналтирилиши керак; фаоллаштириш воситаларини танлаш таълимнинг таркибий қисмларига таъсир этган ҳолда билишнинг ҳар бир босқичи аниқ мақсад асосида амалга оширилиши учун имконият яратиши лозим.

Юқорида билдирилган фикрларга таянган ҳолда "ўқув фаолиятини ривожлантириш" тушунчасини ҳам таърифлаш мумкин. Бизнинг фикримизга кўра, ўқув фаолиятини ривожлантириш — белгиланган мезонларга мувофиқ талабаларнинг паст даражадаги билим, кўникма ва малакаларининг ўрта ва юқори даражаларга ўсиб ўтишини ифодаловчи жараён саналади.

Бизнинг назаримизда, айнан мана шу ўқув-билиш фаолиятининг турли кўринишларининг предметини фарқлаб беради.

Ҳар бир ўқув предметини ўрганишда қўйидаги жиҳатлар кўзга ташланади: 1) ахборотли жиҳати — ахборотни ўзлаштириш; 2) шахсий жиҳати — фаолият усулларини эгаллаш.

Ўқув машғулотларида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятининг асосий турлари қўйидагилардир: кузатиш, тажриба, китоблар, политехник луғатлар, маълумотномалар билан ишлаш, билимларни тизимлаштириш ва бошқалар. Улар бир-бири билан ўзаро боғланган.

Ўқув фаолиятининг қўйидаги турларини илгари суриш мумкин:

- I. Оғзаки (белгили) характерга эга ўқув фаолияти: кузатиш; тажриба; китоблар, политехник луғатлар, маълу-

7. Булатова-Топоркова М.В. Педагогика и психология высшей школы / Учеб. пособие. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2002. – 162 с.

8. Беспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. – с. 6-7.

мотномалар билан ишлаш, билимларни тизимлашириш, билишга оид масалаларни ечиш (муаммоли вазиятларни ҳал қилиш), графиклар тузиш; ўқитувчи маъruzасини тинглаш; тенгдошларининг чиқишларини тинглаш ва таҳлил қилиш; дарсликлар билан мустақил ишлаш ва ҳ.к.

II. Борлик элементларини идрок қилишга асосланган ўқув фаолияти: ўқитувчининг намойишини кузатиш; ўқув фильмларини томоша қилиш; график, жадвал ва схемаларни таҳлил қилиш; кузатилаётган ҳодисани тушунтириш; муаммоли вазиятларни таҳлил қилиш.

III. Амалий (тажриба)га асосланган ўқув фаолияти: ўз соҳаси бўйича амалий тажрибалар ўтказиш; виртуал лабораториялардан фойдаланиш; тажрибавий масалалар билан ишлаш; тарқатма материаллар билан ишлаш; материаллар коллекциясини йиғиш ва таснифлаш; мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш асосида илмий фаразларни илгари суриш; тажриба ишлари методикасини ишлаб чиқиш ва текшириш; тадқиқот тажрибасини олиб бориш; моделлаштириш ва лойиҳалаш.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда тадқиқот ҳарактеридаги амалий ҳаракат кўникма, малакаларига эга бўлишлари муҳим аҳамиятига эга. Чунки улар олий таълим муассасаларида таҳсил олиш жараёнида бир қатор илмий ҳарактердаги тадқиқотлар (курс иши, бакалаврлик ва магистрлик диссертацияларини тайёрлашга қаратилган ҳаракатлар)ни амалга оширади. У эса ўз навбатида талабаларнинг тадқиқот кўникма ва малакаларига эга бўлишларини тақозо этади.

Тадқиқотни олиб боришда илмий изланиш обьекти сифатида танланган

таълим йўналишининг умумий моҳијатига таянган ҳолда талабаларнинг ўқув фаолияти бевосита ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришда эътибор қаратилиши зарур бўлган жиҳатлар тўғрисидаги тасаввур ойдинлаштириб олинди.

В.П. Беспалько эса билиш назариясига психологик нуқтаи назардан ёндашган ҳолда ўқувчилар мисолида шахс томонидан ўқув фаолияти материалларининг ўзлаштирилиши босқичлари асосида фаолият даражасини қуидагича гуруҳлаштириш мумкинлигиоясини илгари суради.

Билиш кўникмаларининг шаклланганлик даражаси қуидагича ҳам аниқланади:

I (паст) — ўқувчилар томонидан атиги алоҳида операциялар бажарилади (тартибсиз, англанмаган);

II (ўртача) — ўқувчилар томонидан талаб этилган барча операциялар бажарилади, бироқ уларнинг изчиллиги етарлича ўйланмаган, ҳаракатлар тўлиқ англаб этилмаган;

III (юқори) — ўқувчилар томонидан барча операция ва ҳаракатлар амалий изчиллик асосида онгли равишда бажарилади.

Зоро, янги билимлар шаклланишидаги тезликка мавжуд шароитда мобил ҳаракатланмай туриб, мослашиб бўлмайди. Янги билимларнинг шаклланиши, уларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёжни қондириш йўлидаги мобиллик, кенг кўламли ахборот муҳити таълим тизимиға ҳам бевосита таъсир кўрсатиб, таълимнинг мобиллашувини юзага келтиради. Биологик, психологик, педагогик омиллар, таълимнинг мобиллашуви негизида ташкил этиладиган ўқитиши жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини самарали ташкил этишга эришилади.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолияти учун билиш ҳамда танқидий тафаккурни ривожлантириш назариялари концептуал асос бўлиб, мақсад (ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш), вазифалар (таълимий, мослаштириш, тарбиявий, ривожлантириш)га таянган ҳолда ўқитиш мазмуни (ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришнинг назарий-амалий асослари, устувор тамойиллари, муҳим жиҳатлари) шакллантирилади.

Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришга оид ўқитиш мазмунини ёритишида таълим технологиялари (муаммоли, интерактив, ҳамкорлик, лойиҳа таълими), таълимни ташкил қилиш шакллари (назарий, амалий ва мустақил машғулотлар), методикаси ("Интеллектуал биатлон", "Бажарилган топшириқлар эстафетаси" ва "Тизимлаштирилган тушунчалар кросси" методларини қўллаш ва ижодий характердаги ўқув топшириқларини бажариш, ўқув-билиш фаолиятини ҳамкорлиқда ташкил этиш)нинг пухта асосланиши муҳим аҳамият касб этади.

Таълим натижаси белгиланган мақсадга мувофиқ муайян мезон ва дарражалар асосида назорат қилинади ва баҳоланади. Талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш жараёнида репродуктив, қисман изланувчан, ижодий, креатив характердаги ўқув-билиш ҳаракатларини бажариш алоҳида мезонлар сифатида белгиланади. Талабалар томонидан ўқув-билиш ҳаракатларининг репродуктив, қисман изланувчан, ижодий, креатив характерда эканлигига кўра улар юқори, ўрта, қуи дарражаларда баҳоланади. Ўқув-билиш ҳаракатларининг даража кўрсаткичлари миқдор ва сифат жиҳатдан илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этишдан кутилаётган натижанинг кафолатлан-

ганлигини белгилаб беради.

Талабаларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш кўплаб объектив ва субъектив омиллар таъсирида кечадиган яхлит жараён саналади. Ҳар қандай жараён муайян босқичлар асосида кечади. Шундан келиб чиқсан ҳолда тадқиқотни олиб борища талабаларда ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш жараёнининг мослаштириш-йўналтириш, шакллантириш ва ривожлантириш босқичларини белгилашга эътибор қаратиш лозим.

Шундай қилиб, таълимнинг мобиллашуви шароитида талабаларни умумий ва ихтисослик йўналишлари бўйича муҳим билимлар билан қуроллантириш борасида тезкорликка эришиш зарур. Талабалар томонидан умумий ва касбий фанлар асосларининг пухта ўзлаштирилиши уларни меҳнат бозоридаги кучли рақобатга бардошли қилиб тайёрлаш имконини беради. Мутахассис сифатида талабаларнинг тўлақонли шаклланиши факат ўқитувчи ва унинг фаолиятигагина эмас, балки ўқув машғулотлари жараёнида талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантиришларига ҳам боғлик. Шу сабабли олий таълим муассасаларида профессионал таълим йўналиши талабаларининг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш мақсадга мувофиқдир.

Билиш кўникмаларининг шаклланганлик даражаси

I (паст)

ўқувчилар томонидан атиги алоҳида операциялар бажарилади (тартибсиз, англамаган)

II (ўртача)

ўқувчилар томонидан талаб этилган барча операциялар бажарилади, бироқ уларнинг изчиллиги етарлича ўйланмаган, ҳаракатлар тўлиқ англаб этилмаган

III (юқори)

ўқувчилар томонидан барча операция ва ҳаракатлар амалий изчиллик асосида онгли равишда бажарилади

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргалиқда барпо этамиз // ЎзР Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишлиланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидағи нутқ. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 56-б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: "Ўзбекистон" нашриёти, 2017. – 24-б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сонли "Касбий таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори. – Т: 2019 йил.
4. Академическая_мобильность // <https://ru.wikipedia.org/wiki>.
5. Ковалёва А.И. Профессиональная мобильность // Ж. Знание, понимание, умение. – М.: 2012. – № 1. – С. 298-299.
6. Педагогика назарияси ва тарихи. Педагогика назарияси. 1-қисм /Муаллифлар: М.Х.Тўхтахўжаева ва б. – Т.: "Iqtisod-moliya, 2007. – 385-б.
7. Булanova-Топоркова М.В. Педагогика и психология высшей школы / Учеб. пособие. – Ростов-на-Дону: Феникс, 2002. – 162 с.
8. Джураев Р.Х. Организационно-педагогические основы интенсификации системы профессиональной подготовки в учебных заведениях профессионального образования: Автореф. дисс... док.пед.наук. – Т.: 1995. – 43 с.
9. Рахимов З. Т. Таълим мобиллашуви шароитида талабалар фаоллигини шакллантириш мақсадида дидактик воситалардан фойдаланиш. // Фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ахборот-коммуникация технологиялари асосида ривожлантириш истиқболлари: Республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. Қарши, ТАТУ Қарши филиали, 2016. – Б.439-441.
10. Бесспалько В.П. Слагаемые педагогической технологии. – М.: Педагогика, 1989. – с. 6-7.
11. Усова А.В. Теория и практика развивающего обучения, индивидуально-личностного подхода в обучении. – Челябинск: ЧТУ, 1996. – С. 45.
12. Усмонов С.А. Имитацион модел қурилмалари воситасида муҳандис-педагогларни тайёрлашнинг илмий-методик асослари: Пед. фанл. номз. ... дисс. – Т.: 2007. – 190 б.
13. Ismailova, Z., Choriev, R., Ibragimova, G., Abdurakhmanova, S., & Abdiev, N. (2020). Competent model of Practice-oriented education of students of the construction profile. Journal of Critical Reviews. Innovare Academics Sciences Pvt. Ltd. <https://doi.org/10.31838/jcr.07.04.85>
14. Ismailova, Z., Choriev, R., Musurmanova, A., & Aripjanova, M. (2020). Methods of training of teachers of university on advanced training courses. Journal of Critical Reviews. Innovare Academics Sciences Pvt. Ltd. <https://doi.org/10.31838/jcr.07.05.85>

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ДИПЛОМОЛДИ АМАЛИЁТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ЁНДАШУВЛАР

Гулнора КАДИРОВА,

Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти кафедра доценти, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ушбу мақолада профессионал таълим муассасаларида дипломолди амалиётини самарали ташкил этиш ва бу борада оптималь ёндашувларга мурожаат қилиш масалалари ёритилган. Шунингдек, дипломолди амалиётларини ташкил этишда таълим олувчиларда лойиҳалаш, танқидий-таҳлилий фикрлаш қобилиятларини ривожлантириш борасида ҳам сўз боради.

Калим сўзлар: Дипломолди амалиёти, таҳлилга йўналтирилган методлар, лойиҳалаш, компетенциявий ёндашув.

В данной статье рассматриваются вопросы эффективной организации преддипломной практики в учреждениях профессионального образования и применения оптимальных подходов в этой связи. Также идет речь о развитии навыков проектирования, критического и аналитического мышления у студентов при организации преддипломных практик.

Ключевые слова: Преддипломная практика, компетентный подход, методы проектирования и критического мышления.

This article covers the issues of effective organization of pre-diploma practice in professional educational institutions and addressing optimal approaches in this regard. Also, in the organization of pre-diploma internships, there is also talk about the development of design, critical-analytical thinking abilities of students.

Key words: Pre-diploma practice, analysis-oriented methods, design, competence approach.

Сўнгги йилларда профессионал таълим тизимидағи туб ислоҳотлар таълим тизимига янги ахборот ва педагогик технологияларни татбиқ этиш, ўқув дастурларини ишлаб чиқишида касб стандарти ва таълим стандартлари яхлитлигини таъминлаш, битирувчиларни тайёрлашда таянч ва касбий компетенцияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги глобаллашув даври меҳнат бозори кадрлардан бир вақтнинг ўзида бир нечта турли масалаларнинг ечимини топишга эришиш, ўз фаолиятида инновацион янгиликларни, ноодатий ғояларни қўллай олиш малакасига эга бўлишни талаб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 августдаги "Ўзбекистон Республикасида узлуксиз

бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги 466-сонли қарори, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2020 йил 4 сентябрдаги "Профессионал таълим муассасалари учун ўқитиш материаллари тўпламларини яратишни ташкил этиш тўғрисида"ги 465-сон буйруғи каби меъёрий ҳужжатларда намунавий ва ишчи ўқув дастурларининг компетенциявий ва инновацион ёндашувларидан фойдаланиш асосида ишлаб чиқилиши назарда тутилган [1; 2].

Бу борада профессионал таълим муассасаларида ўқув дастурлари, ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиёти, ишчи амалиёт, ишчи дастурларини ишлаб чиқишида педагогларга методик тавсия

бериш доирасида услугий тавсиялар, йўриқномалар таклиф этилмоқда.

Дипломолди амалиёти профессионал таълим муассасалари ўқувчи-ларида лойиҳалаш, танқидий-таҳлилий ёндашиш, креативлик каби қобилиятларни ривожлантириш имкониятини берувчи таълим олиш даври ҳисобланади.

Профессионал таълим тизимидағи дипломолди амалиёти ўқув ва ишчи дастурларининг янги модели ва мазмунини компетенциявий ёндашувлар асосида ишлаб чиқиш, такомиллаштириш профессионал таълим даражаси (бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус)га мувофиқ битирувчиларга белгиланган малака талаблари бажарилиши доирасидаги баҳолаш материалларини оптималлаштиришда белгиланган асосий вазифалардан биридир.

Дипломолди амалиёти ишчи дастури мазмунига диплом иши мавзусидан келиб чиқсан ҳолда ўқув режадаги ўзлаштирилиши белгиланган ўқув фан (модули)ларининг мазмуни, диплом амалиётини амалга ошириш тартиби киритилиши назарда тутилади. Дипломолди амалиёти ишчи дастурининг ҳажми ва мазмуни ўқув фан (модули) (назарий, амалий, семинар, лаборатория ва бошқа) мавзулари мазмуни, ажратилган соатлар, ўқитиш натижалари, ўқитиш

натижаларини баҳолаш, билим, қўникмалар, машғулотни ўтказиш жойидан келиб чиқсан ҳолда белгилаб берилади.

Қўйидагиларни дипломолди амалиёти ишчи дастурини тузиша асосий вазифалар сифатида белгиладик:

- дипломолди амалиёти ишчи дастурда ўқув жараёнида олинган назарий билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш асосида мазмунини ёритиб бериш (дипломолди амалиёти учун белгиланган мавзу доирасида);
- ишлаб чиқариш амалиёти жараёнида олинган амалий билимларни тизимлаштириш ва умумлаштириш асосида мазмунини ёритиб бериш;
- дипломолди амалиёти (мавзулари) га ажратилган мустақил таълим мавзулари ва соатини белгилаш;
- дипломолди амалиёти натижаларини баҳолашни белгилаш;
- таълим оловчида дипломолди амалиёти жараёнида билимлар асосида қўникмаларни шакллантиришни белгилаш.

Дипломолди амалиёти соатининг мавзулар кесимидағи тақсимотини режалаштиришда дипломолди амалиёти мақсад ва вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда амалий дарс соатлари ва мустақил иш соатлари қўйидагича тақсимланиши мақсадга мувофиқ (1-жадвал):

1-жадвал

Дипломолди амалиёти учун таклиф этилган соатлар тақсимоти


	Умумий соатлар	Фоизлар (100 %)
1	Ташкиллаштириш (мавзу танлаш, асосини шакллантириш)	20–25 %
2	Асосий босқич (мавзуни таҳлил этиш, ишнинг асосий қисмини ёритиш)	40–45 %
3	Якуний босқич (натижаларни умумлаштириш, хулоса ва таклифлар тайёрлаш)	25–20 %
4	Расмийлаштириш ва натижаларни тақдим этиш	10–15 %

Шунингдек, дипломолди амалиёти ишчи дастурини ишлаб чиқишида таълим олувчининг индивидуал имкониятлари, таълим муассасасининг ва дипломолди амалиёти олиб бориладиган ташкилотнинг моддий-

техник базасини эътиборга олган ҳолда дипломолди амалиёти ишчи дастурини ишлаб чиқишининг тавсия этилган кетма-кетлигини қуидаги белгиладик [3; 4; 5] (2-жадвал).

2-жадвал

Дипломолди амалиёти ишчи режасини ишлаб чиқиш кетма-кетлиги



Дипломолди амалиёти уни ташкил этувчи ва кузатиб баҳолаб борувчи педагогдан новаторликни, дипломолди амалиётини тўғри режалаштириш ва ташкил этиш бўйича талабчанлик ва ўз навбатида педагогик ташаббускорлик ва маҳоратни талаб этади (1-расм).

Таълим олувчидан эса таҳлилий асосга эга ва янгиликка интилувчанлик асосида олиб бориладиган изланувчанлик талаб этилади. Яъни бу жараёнда таълим берувчи ҳам, таълим олувчи ҳам маълум

траектория доирасида ҳаракатланиб боради. Ҳар икки шахснинг ўзини-ўзи ривожлантириб бориш жараёни амалга оширилади.

Холоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, дипломолди амалиётига таълим олувчининг келгуси касбий фаолиятида:

- маълум обьектни индуктив ва дедуктив тамойилларга асосланиб таҳлил эта олиш;
- маълум жараёнга янгилик кирита олиш;

Дипломолди амалиёти жараёнини ташкил этиш ва диплом иши асосини шакллантириш бўйича

<p>Таълим берувчи долзарб мавзулардан келиб чиқсан ҳолда ўқувчининг дипломолди амалиёти мавзусини танлаши бўйича тавсияларини беради. Ишчи дастур асосида индивидуал дипломолди амалиёти дастурини шакллантиради.</p>	<p>Таълим оловчи индивидуал қизиқишиларидан ва амалий машғулотларни олиб бориш учун мавжуд имкониятларидан келиб чиқсан ҳолда дипломолди амалиёт мавзусини танлайди. Унинг мақсади, вазифалари, кутилаётган натижаларни белгилайди.</p>
---	---

Дипломолди амалиётини олиб бориш жараёни

ва усуллар тизимини шакллантириш лозим. Амалда бу ўрганилаётган курсларда у ёки бу ўқув материали ҳажмини ўзгаришиш, касбий фаолият билан боғланган ва ўқув ахборотининг мазмунини тайёрланаётган мутахассиснинг касбиға нисбатан мувофиқлаштириш, амалий масалалар ва топшириқларни танлашда ўз ифодасини топиши мумкин. Фақат мана шу ҳолдагина “фанни ўқитиш эмас, балки ихтисосга ўқитиш муҳим” деган тамоийлга риоя қилиш мумкин бўлиб, унинг стратегик моҳияти барча фанлар мутахассисларининг касбий билим ва малакаларини шакллантирадиган ҳодисалар ва жараёнларнинг яхлит ўрганилиши учун барча фанларни мақсадга йўналган тарзда мувофиқлаштиришга олиб келади.

Технологик ёндашувда исталган фаннинг вазифалари қуидагилардан иборат бўлади:

- битирувчининг таълим олиши ва келгусидаги касбий фаолиятига методологик, назарий ва технологик тайёрланишида ҳар бир ўқув фанининг ҳиссасини таъминлаш;
- унинг илмий мазмунидан фойдаланиш эҳтиёжлари ва кўникмаларини тарбиялаш;
- барча фанларни ўрганиш мотивациясини таъминлаш;
- ўқитишга яхлит ёндашув асосида интеграл фикрларни тарбиялаш⁵.

Буни, айниқса, педагогика коллежининг бўлажак ўқитувчиларини тайёрлашда ҳисобга олиш муҳим. Чунки бу талабаларни аниқ таълим муассасасида яхлит педагогик жараённи амалга оширишга “ўргатишни” назарда тутади. Анъанавий ёндашув эса дидактик

категорияларни, таълим мазмунини узлуксиз ўрганишга асосланади. Ўқув жараёнида дидактик категорияларнинг ўзаро боғлиқлигини ва ўзаро алоқасини сезиш, унинг тўлиқ манзарасини тасаввур қилишга имкон бермайди⁶.

Ўқитишда технологик ёндашув, аксинча, педагогик далиллар, ҳодисалар, қонуниятлар ва ҳ.к.ларни ўзаро боғлиқликда ва ўзаро алоқада ўрганишни кўзда тутади, бу эса бўлажак колледж ўқитувчисининг касбий кўникмаларни самарали эгаллаши, унинг дидактик тайёргарлигини ошириш учун шароитлар яратади. Мазкур ҳолда олий таълим муассасаси бошқарувини тизимли ташкил этиш таъминланади.

Шу муносабат билан ўқитувчи етакчи бўлган ўқитиш жараёни ташкил этилишининг асосий хусусиятларини кўриб чиқайлик. Бунда унинг талабага нисбатан, ўз-ўзига нисбатан тутган позицияси ўзгаради. Ўқитувчи шахсга йўналтирилган ёндашув позициясидан туриб фақат кўргазмали-илмий билимларни ўтказувчи, ахборот ташувчи, меъёрлар ва анъаналарнинг узатувчиси бўлиб эмас, балки талабанинг, бўлажак педагогика коллежи ўқитувчисининг касбий лаёқати шаклланишида ёрдамчи бўлади. Талабанинг билиш фаолиятини бошқариш характеристири ва мавқеи ҳам ўзгаради, у ўзлаштириш натижасидан, баҳо олишдан ўқитувчи ва курсдошлари билан фаол ўзаро ҳамкорликка ўтади.

Талабаларнинг ўқитувчилик касбии фаоллик билан эгаллашлари учун шароитлар яратилади. Иккинчи характеристири жиҳати — олий таълим муассасасида ўзлаштириладиган билимларнинг вазифалари уларнинг эгалланишини ташкил этиш усулларининг ўзгаришидан

5. Кузьмина Н.В., Реан А.А. Профессионализм педагогической деятельности. – С.-Пб.: С.-ПбГУ, 1993. – 63 с.

6. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммехнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари. Монография. – Т.: Фан, 2004. – 168 б.

иборат. Ўзлаштириш жараёни энди мاشаққатли ёд олиш, репродукциялаш бўлмасдан, балки талабанинг изланиши унумли ижодий жараён каби ташкил этилади. Жумладан, анъанавий тизимда ўқув жараёни мазмуни тайёр формалаштирилган билимлар тизими шаклида, кўпинча битирувчи ишлашига тўғри келадиган касбий вазиятлардан ажралган ҳолда етказилади. Одатда, бу тегишли илмий билимнинг ўқув жараёнини лойиҳалашдан иборат бўлган ва реал турмушдаги айрим мисоллар билан кўргазмали қилинадиган маълум қонунлар, назариялар, қоидалар мажмуасидир.

Технологик ёндашув доираларида мутахассиснинг имкониятларини такомиллаштириш ва ривожлантириш мақсадлари ўқув мазмунини танлаш ва тузишга ижодий ёндашувни талаб этади. Гап шундаки, унда фақат маълум ахборотлар ва далилларни ўзлаштириш, фақат назарияларни, қонунларни, қоидалар ва формуулаларни ёд олиш, фақат мумкин бўлган барча назарий ва амалий масалалар ва муаммоларни ҳал этиш кўникмаларини ўргатиш эмас, балки, энг аввало, бўлажак касбий маҳорат фаолиятининг унинг қонуниятлари, муаммолари, ўзаро алоқалари ва ривожланиш истиқболлари билан биргалиқдаги тарбиявий жиҳатларни амалга ошириш доирасига мансуб бўлган хусусиятлар ажралиб турган жараён устун бўлади. Бу метод яқинлашиш имконини беради. Бу ҳолда биринчи ўринда бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятини лойиҳалаштириш, моделлаштириш ва конструкциялаш талаб этилади. Айтилган фикрлар мутлақо ўқитиш мазмунига муайян билимлар тизими кирмаслигини англатмайди. Бу назарий билим беришни асло инкор

этмайди. Улар йўқолиб кетмасдан, балки бўлажак касбни эгаллаш жараёнида ўрганиладиган обьектларни бир тизимга келтиради. Касбий-йўналтирилган ўқитиш технологияси доирасида тайёр билим талабанинг ўзи томонидан ўқув фани лойиҳасини яратиши ва амалга ошириши натижасида “туғилган” ва синтезланган билим билан бир қаторда мавжуд бўлади.

Анъанавий тизимда билим оловчи томонидан бериладиган билимни ёд олиш асосийдир. Ёд олиш деганда, ўқувчининг ўқув материалини эгаллашга қаратилган ҳаракатлари мажмуй тушунилади⁷. Бу тизимда ўзлаштириш ва эслаб қолиш жараёнлари, одатда, дарсликни ёки қўшимча адабиётни ўқиш, амалий ва лаборатория ишлари, масалалар ечиш, саволларга жавоб беришдир.

Олий таълимнинг юқорида айтилган ва ўқитиш жараёнини професионал таълим муассасаси ўқитувчиси касбига йўналтириш билан боғлиқ бош вазифаси ёш кадрларнинг касбий фаолиятга тез киришиб кетишларини таъминлайди ва бўлажак мутахассисларда қўйидагиларни тарбиялашни кўзда тутадиган ўзига хос “ўқув жараёни технологиялари” ривожланишига олиб келади ва бу:

- педагогика йўналишидаги професионал таълим муассасалари ўқувчиларининг билиш фаолиятини, педагогик ўрни ва ўқув-тарбия жараёнларини бошқаришнинг янги услуги;
- професионал таълим муассасаларида ўқув жараёни манзарасини ташкил этувчилар динамикасини яратиш учун аналитик, шу билан бирга лойиҳавий-конструктив, технологик фикрлаш билан биргаликда ёрдам берадиган;

7. Скаткин М.Н. Проблемы современной дидактики. – М.: Педагогика, 1984. – 95 с.

- коммуникатив ва ақлий фаолиятнинг, ижтимоий ва шахслараро ўзаро фаолиятнинг лойиҳалар ва дастурларни биргаликда тузишга йўналтирилган, ўқув-касбий вазият барча компонентларининг ишлашини ва ўзаро боғлиқлигини таъминлайдиган диалогик услуг.

Технологик ёндашув доирасида ўқув материалининг мазмуни мутахассиснинг касбий лаёқатини тарбиялаш асосида белгиланади. Тушунчалар тизимининг тақсимланиши лойиҳавий фаолият билан динамик боғлиқликда амалга оширилади.

Таълим жараёнида муайян муфассал сюжет содир бўлади: билиш, лойиҳалар устида ишлаш, лойиҳалаштириш, моделлаштириш, яратиш ва тадқиқ қилиш ишлари яхлит, муштарак ҳолда рўй беради.

Талабаларнинг билиш фаолиятларини эгаллашнинг фаол турларини ўз касбини эгаллаш маъносида ташкил этишда талаба ўқитувчи билан бир қаторда фаолият субъекти сифатида намоён бўлади, унинг касбий тарбияланиши эса асосий таълим мақсадларидан бири бўлади. Бу билан бўлажак мутахассисларни ўқитишида кафолатли натижаларга эришиш таъминланади, хизмат вазифаси бўйича мажбуриятларини бажаришларига имкон берадиган, касбий фаолият учун муҳим бўлган билимлар, қўнималар, малакалар, шахсий сифатлар тарбияланади.

Ўқитувчининг роли ўзгаради. Ўқитувчи билимларнинг якка тартибдаги эгаси бўлмайди. Энди унинг улуши, лойиҳа раҳбари ва ҳамкасблик бўлади. Ўқитишининг бундай ташкил этилиши тегишли технологияни тақозо этади.

Биринчидан, ҳар бир ўқув фанининг етакчи ўрнини аниқлаш, иккинчидан,

ҳар бир аниқ фан бўйича олинган билимлар асосида ҳал этиладиган энг муҳим касбий вазифаларни аниқлаш; учинчидан, буни ҳисобга олган ҳолда ўқув курсининг мақсадга мувофиқ танланишини, унинг ҳар бир юклама қисми ҳажмининг салмоғини аниқлаш, тўртинчидан, мос амалий масалалар ва топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш муҳимдир.

Педагогика фанида ҳозирги вақтда "технология" тушунчасининг мазмуни ҳам ўзгарди: замонавий ёндашувлар учун мавзуга аниқроқ нуқтаи назар хосдир. Жумладан, бугунги кунда айрим олимлар — М.Очилов⁸, Ў. Толипов ва бошқалар технологик нуқтаи назардан "тарбия технологияси", "ривожланиш технологияси", "таълимий технологиялар" атамаларини шахсни тарбиялаш ва ривожлантириш соҳасида қўллаш кўпинча ноўриндир, деган фикрда яқдилдиrlар. Буни ҳозирги замон педагогикасида шу вақтга қадар шахсни тарбиялашни, ундаги маълум шахсий сифатларнинг шаклланганлигини, шахс тарбияси ва ривожининг бошқа натижаларини баҳолаш мезонлари билан қийматли аниқланмаганлиги билан далиллашади. Гап шундаки, тарбиянинг диагностик мақсадини педагогик фаолият жараёнида унга эришишни диагностик аниқлашнинг имкони йўқ. У ҳолда гап фақат педагогик алоқа ҳақида бориши мумкин, бу эса таълимда шахсга йўналган ёндашувга ҳамда ўқитувчи ва ўқувчилар орасидаги "субъект-субъектлар" ўзаро муносабатларига зиддир.

Шахсга таълим бериш, уни тарбиялаш ва ривожлантиришни бирлаштирадиган "таълимий", "педагогик", "ривожлантирувчи" технологияларда ҳам аҳвол шундайлигича қолади. Ўқитишининг диагностик мақсадини қўйиш, талаба

8. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби.– Т.:Ўқитувчи,1997.–136 б.

учун зарурий үқув материалининг талаб қилинадиган ҳажмини танлашдан бошлаб, талабанинг касбий тайёргарлик сифатини баҳолаш билан тугалланадиган "ўқитиш технологияси" долзарблигини инкор этмайди. Бу талабани касбий тайёрлаш мазмунини тузишда, талаба шахсини тарбиялаш ва ривожлантириш жараёнлари истисно этилишини мутлақо англатмайдиган яхлит педагогик жараён концепциясига зид ҳам эмас.

Педагог олим М.Очиловнинг⁹ таъкидлашича, ўқитиш технологияси — бу қонунга мувофиқ педагогик фаолият бўлиб, дидактик жараённинг илмий асосланган лойиҳасини амалга оширади ва анъанавий ўқитиш моделларига қараганда натижанинг юқори даражада самарадорлиги, ишончлилиги ва кафолатланганлигига эга. Бу асос бўладиган таъриф, ўқитиш технологияси жараён ва натижа ҳолатларида бўладиган қийматларида модификацияланиши мумкин. Жараён нуқтаи назаридан ўқитиш технологияси биргаликда бир бутун (яхлит) дидактик тизимни ташкил этадиган педагогик жараёнлар, операциялар ва услублар кетма-кетлиги бўлиб, унинг педагогик фаолиятда амалга оширилиши ўқитишнинг кафолатланган мақсадларига олиб келади, яъни таълим жараёнининг ўзгарадиган шароитларида башоратланаётган ўқитиш натижасига эришилишини таъминлайди ва ўқувчи шахсининг яхлит ривожланишига ёрдам беради. Бу ҳолда педагогнинг ўзаро боғланган ҳаракатлари тизими дидактик вазифаларни ҳал этишга ва амалиётда олдиндан лойиҳалаштирилган педагогик жараённи режа асосида, изчил амалга оширишга йўналтирилган бўлади. Ўқитиш технологияси дидактик жараёнинг илмий лойиҳасидан иборат бўлиб, унинг қайта тикланиши педагогик

амалларнинг муваффақиятли бўлишини таъминлайди.

Олий таълим муассасасида ўқитиш жараёни бўлажак педагогика йўналишидаги профессионал таълим муассасалари ўқитувчиларини тайёрлашга йўналтирилганлиги ҳисобга олинса, педагогнинг технологик даражадаги фаолиятининг мезонлари сифатида қўйидагиларни кўрсатиш муҳимдир:

- аниқ ва диагностик берилган мақсаднинг мавжудлиги, яъни тушунчалар, операциялар, талабалар фаолиятининг кутилаётган натижалари, бу мақсадга эришиш диагностикаси усуллари каби ўлчаниши;
- мавзуни (материал, касбий вазифалар тўплами ва ҳ.к.) ўзлаштиришнинг етарлича қатъий кетма-кетлиги, мантиқи, муайян босқичларнинг мавжудлиги;
- ўрганилаётган мазмунни билиш ва амалий масалалар кўринишида, асоси ва уларни ечиш усулларини тасвирлаш;
- ўқув жараёни иштирокчиларининг (ўқитувчи ва талабаларнинг, талабаларнинг бир-бири билан) ўзаро фаолияти усулларини кўрсатиш;
- ўқув жараёнининг натижавийлиги нуқтаи назаридан ўқитувчининг энг оптимал ўқитиш воситаларидан фойдаланиши;
- ўқитувчи ва талабаларнинг шахсий вазифаларни амалга оширишларига асосланган фаолиятнинг мотивацияли асосланиши (эркин танлов, креативлик, мусобақалашиш, ҳаётний ва касбий маъно);
- ўқитувчининг қоидавий ва ижодий фаолияти чегараларини белгилаш, ягона қоидалардан рухсат этиладиган четга чиқишлиарнинг кўрсатилиши.

9. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф, 2000. – 79 б.

Санаб ўтилган мезонлар талабалар касбий лаёқатлилигининг шаклланганинги даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқишида асос бўлади. Юқорида айтилган фикрларни умумлаштириб, бўлажак педагогика коллежи ўқитувчилари таълими технологик ёндашувнинг моҳиятини асослаймиз, у қуидагилардан иборат:

- ўқув жараёнини дастлабки лойиҳалаш ва кейин бу лойиҳани педагогик амалиётда қўллай олиш имконияти;
- қўйилган дидактик мақсадларга эришилганлик сифатини объектив назорат қилиш имкониятини кўзда тутивчи маҳсус вазифаларни тузиш;
- ўқитиш технологиясининг тузилиши ва мазмуни яхлитлиги, яъни унинг компонентларидан бирига, бошқаларига тегмасдан туриб ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйиб бўлмаслиги;
- ўқитиш технологияси барча элементларининг тўла аниқланган ва қонуниятли боғланишлари билан тақозо этиладиган самарали методлар, шакллар ва воситаларнинг

танланиши;

- ўқитиш жараёнини ўз вақтида ва самарали коррекциялаш имконини берадиган тескари алоқанинг мавжудлиги.

Шундай қилиб, касбий-йўналтирилган ўқитиш технологияси доирасида назарий билимларни ўзлаштириш жараёни, мутахассиснинг касбий кўникмалари ва шахсий сифатларини тарбиялаш талабаларнинг ўқув фани лойиҳасини яратишлари ва амалга оширишлари шароитларида рўёбга чиқиши мумкин. У касбий лаёқатлиликни эгаллаш мақсадларига эришиш воситаси бўлади. Талаба таълимий-касбий дастурнинг барча бўлимлари фаолиятининг билимлари ва усусларини тарбиявий вазифаларни ҳал этиш воситасига айлантириш технологиясига эга бўлади. Технологик ёндашув таълим сифатини ошириш, унинг мазмунини такомиллаштириш ва бунинг натижаси сифатида олий таълим муассасаси битирувчиларининг касбий лаёқатлилигини оширишнинг шарти бўлиб қолади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 сентябрдаги "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-5812-сонли Фармони. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. Джураева Б.Р. Формирование педагогической культуры будущих учителей в процессе изучения дисциплин педагогического цикла. – Т.: Фан, 2003. - 177 с.
3. Сластенин В. А., Руденко Н. Г. О современных подходах к подготовке педагога // Педагогика. – 1999. – № 6. – с. 55-62
4. Жумаев М.Э. Янгича тафаккур таълим ва тарбия мезони. Научные труды семинара. Выпуск-4, Т., 1998, 87-90-6.
5. Кузьмина Н.В., Реан А.А. Профессионализм педагогической деятельности. – С.-Пб.: С.-ПбГУ, 1993. – 63 с.
6. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммеҳнат ва касбий кўникма ҳамда малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари. Монография. – Т.: Фан, 2004. – 168 б.
7. Скаткин М.Н. Проблемы современной дидактики. – М.: Педагогика, 1984. – 95 с.
8. Очилов М., Очилова Н. Ўқитувчи одоби.– Т.:Ўқитувчи, 1997.–136 б
9. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. – Қарши: Насаф, 2000. – 79 б.

ҮҚУВЧИЛАРНИ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТГА ТАЙЁРЛАШ — ПЕДАГОГИК МУАММО СИФАТИДА

Нодира ТОХТАШЕВА,

Педагогик инновациялар, профессионал таълим бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг таянч докторанти

Мақолада ўқувчиларнинг касбий сифатлари шаклланиши ўқитиш жараёнида шахс ижодкорлик фаолиятининг фаоллиги билан тұғридан-тұғри боғланғанлығы, профессионал таълим тизимиңдаз монавий ўқитишнинг энг муҳим вазифаси – бу ўқувчиларнинг касби бүйича хабардорлигини шакллантириш учун қулай шарт-шароит яратиш ҳақида сўз юритади.

Калим сўзлар: Профессионал, ижод, креатив, потенциал, педагогик эвристика.

Формирование профессиональных качеств студентов в статье напрямую связано с активностью творческого потенциала личности в процессе обучения. Важнейшей задачей современного преподавания в системе профессионального образования является создание благоприятных условий для формирования у этих студентов профессиональной осведомленности.

Ключевые слова: Профессиональный, творческий, творческий, потенциал, педагогическая эвристика.

The formation of the professional qualities of students in the article is directly related to the activity of personality creativity in the process of teaching. The most important task of modern teaching in the Professional education system is the creation of favorable conditions for the formation of awareness of these students by profession.

Key words: Professional, creative, creative, potential, pedagogical heuristic.

Мамлакатимизнинг ҳозирги ривожини техника ва технология соҳасидаги салмоқли ўзгаришлар билан боғлайдиган бўлсақ, у ҳолда айнан шу жиҳат жамиятимизда маълум хусусиятларга эга шахсга эҳтиёжни юзага келтирмоқда. Бу шахс янги ва ўзгараётган шароитларга тез мослашади, доимо даврга мослашишга ва мукаммалликка интилади, вужудга келувчи муаммоларни мустақил ҳамда ижодий ҳал этишга тайёр бўлади.

Замонавий адабиётларда “ижод”, “ижодий фаолият” тушунчалари илмий категория сифатида ўрганилаётган бўлса-да, ҳали бу масаланинг тадқиқига комплекс ёндашув етарли даражада шаклланган эмас. Айниқса, бу тушунчаларнинг категориал аппаратини тадқиқ этиш бўйича хорижда муайян ютуқлар қўлга киритилган бўлса-да, мамлакатимизда бу борада кўпгина масалалар ҳали ҳам очиқ турибди. Тўғри, ижод, илмий ижод, касбий таълимда ижодкорлик муаммоси

бўйича О. Файзуллаева, О. Қўйсинов, Ю. Ҳайитова, К. Туленова, А. Азизқулов ва бошқалар муайян тадқиқотларни амалга оширишган. Бироқ улар ижодий фаолиятни ривожлантиришда ўқув амалиётларини ташкил этиш муаммосига атрофлича тўхталиб ўтишмаган.

Шунинг учун мана шундай ҳолатни ҳисобга олган ҳолда педагогика коллежаи ўқувчиларида ижодий фаолиятни ривожлантиришда ўқув амалиётларини ташкил этиш методикасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор бердик. Тўғри, айрим тадқиқотчи-олимлар шу кунгача ижодий фаолиятни такомиллаштириш борасида ўз фикрларини билдирганлар. Бироқ улар бу тушунчаларнинг ҳам ибтидоси, ҳам натижаси ҳамда муҳим омили манбаига айланган “ижодий фаолиятни ривожлантиришда ўқув амалиётларини ташкил этиш” масаласини назардан четда қолдирган. Ушбу масалага оид муайян илмий фикр билдириш учун, ижодий фаолиятнинг

мазмун-моҳияти, намоён бўлиш шакллари ҳақида ўз қарашларимизни баён қилишимиз зарур. Бу эса, энг аввало, ижод ҳақида фикрларни, талқинларни қиёсий таҳлил қилишни тақозо этади.

В.А. Энгебергратд фикрича, “ижод” санъатнинг моҳияти. У худди шу дараҷада фаннинг ҳам моҳиятидир. Ҳар икки ҳолатда инсоннинг яратиш, яъни ўзлигини намоён қилиш қобилияти муҳимдир. Илмий кашфиёт худди санъат каби ижодкорнинг муайян хусусиятларини ўзида сақлаб қолади ва кейинги ҳаёти давомида бутун инсоният бойлигига айланади¹. Бундан шу холосага келиш мумкинки, ижод инсоннинг маънавий-рухий бойлигини ташкил этиб, ўзлигини англашда муҳим манба ҳисобланади. Ўз навбатида илмий тадқиқот ҳам инсон ижодининг маҳсули сифатида инсон қанчалик нозик, қанчалик асосли, қанчалик гўзал бўлса, шунга қараб ўзгариб боради.

Шунингдек, Л.А. Гревцова ижод жараёнининг адектив хусусияти ҳақида сўз юритади: “Ижодий жараён барча ботиний кучлар олий даражада жамланган лаҳзада вужудга келадиган ногаҳон “башорат” тарзида тушунилади. Шунинг учун ҳам Платон ижоднинг асл манбай билимда эмас, илҳомда деб ҳисоблайди”².

Шу ўринда савол туғилади. Кишидаги ижодий қобилиятнинг ривожланиш даражасини қандай аниқлаш мумкин? Одатда, бу даража инсон қандай муҳитда ўсиб-улғайгани ва мазкур муҳит унинг ижодий камолотига қанчалик кўмаклашгани, индивидуаллигини қўллаб-қувватлагани ва такомилга етказгани билан белгиланади. Ижодий қобилиятни юзага чиқариш ва тарбиялаш масаласи

эса алоҳида субъектив тавсифни тақозо этади.

Ҳар бир бўлажак мутахассиснинг касбий фаолиятида ижодий қобилияtlарни намоён қилиши — ўзини камол топтириши ва мақсадини рўёбга чиқариши учун муҳим сифат кўрсаткичи саналади.

Қайд этишимиз жоизки, тайёр кўринишда тақдим этилган ва олинган билим ҳамда кўникмалар ўқитишнинг мақсади ҳисобланмайди, балки креативликни юзага чиқариш, ижодий фаолиятни амалга ошириш учун восита га айлана боради. Негаки, айнан ўқитувчилардан таълим жараёнида ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини онгли бошқариш, ёш авлодда ижодкорликни камол топтира олиш талаф қилинади.

Бўлажак мутахассисларнинг касбий-педагогик фаолият натижаларини назорат қилиш мақсад, вазифа ва жараёнлари иш обьектига қараб ўзгариб туради ҳамда мониторингига таъсир кўрсатади. Бўлажак мутахассислар касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш мезонлари сифатида таянч, умумкасбий ва маҳсус компетентлик даражалари ҳамда репродуктив, продуктив, қисман изланувчи ва ижодий даражалари муаммоли топшириклар ва вазифалар орқали аниқлаб борилади. Бунда бўлажак мутахассисларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантиришнинг педагогик фаолият ва назорат муҳитининг ўзаро алоқаси қўйидагича ўз аксини топади.

Ижодкорлик фаолиятининг қайд этилган характерларидағи умумийлик шундан иборатки, бундай фаолиятнинг дастлабки қатъий схемасини яратиш

1. Энгеберграт В.А. Познание явлений жизни. (Сер.Наука), мировоззрение, жизнь – М.:Наука,1985, - 276 с.

2. Гревцова Л.А. Междусубъектная природа творчество в науке, философии и религии: Дис. ... канд. Филос. Наук. – Барнаул, 2005. – 166 с.

мумкин эмас. У индивидуал, чунки янги масалаларни ечишнинг олдиндан маълум аналогияси йўқ. Ижодкорлик фаолиятини амалга оширувчи шахснинг ўзига хослиги мос ҳолда ҳар бир ўқувчи тажрибасининг ўзига хос томони ҳисобланади. Аммо бу ҳолда ижодкорлик учун хос бўлган умумий томонларида намоён бўлади.

Республикамизда шахс ижодкорлик сифатларини шакллантириш ва ривожлантиришнинг илмий-педагогик ечимлари Ш.С. Шарипов томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўз аксини топган.

Олим ўз тадқиқотларида меҳнат таълими машғулотларида ўқувчилар дизайннерлик ижодкорлигининг моҳиятини ёритиш ва шу асосда мазмунан такомиллаштиришнинг гасосий йўналишларини белгилаб беради. Ижодкорлик ҳамда креативлик қобилияtlарининг ўзаро алоқадорлиги масалалари, у билан боғлиқ кўникмаларни шакллантириш ва ривожлантиришнинг мазмуни, таълим методлари ҳамда педагогик технологияларнинг муаммолари тадқиқ этилган ва ўқувчиларни касбий фаолиятга йўналтириш ишлари самарадорлигини оширишда ижодкорлик қобилияtlарини ривожлантиришнинг тутган ўрни белгилаб берилган.

Биз тадқиқотимизда ижодкорлиқда келтирилган бир қанча таърифлардан келиб чиқиб қуйидаги таърифни ишчи таъриф сифатида қабул қилдик:
Ижодкорлик деганда, инсоннинг борлиқни англашда онги, мақсадга йўналтирилган фаолияти тушунилиб, унинг натижасида янги, ўзига хос, илгари мавжуд бўлмаган қобилиятидир.

Биз ижодкорлик тушунчасини бун-

дай таърифлашни ижодий фаолиятга тайёрлаш, фаолиятлилик ғоясига асосланишидан келиб чиқсан ҳолда қабул қилдик. Бунинг моҳияти эса Н.Ф. Хорошко томонидан қўйидагича ифодаланади: “амалиёт инсоннинг ҳаётий фаолият тизими ва усулларининг рангбаранглигини белгилайди, унинг онгини ривожлантиради. Шуни таъкидлаш керакки, янгиликни яратиш жараёнини мустақил ташкил этишни ҳисобга олмасдан туриб, унинг моҳиятини тушуниш мумкин эмас”³.

Энди ишчи таърифдан келиб чиқиб мусиқий ижодкорликни кўриб чиқамиз.

Таълим жараёнида олинган билимлар инсон онгига таъсир этади. Мусиқий ижодкорликни ривожлантиришда мусиқий онг муҳим ҳисобланади.

Мусиқий онг — инсон руҳиятининг юқори даражаси бўлиб, мусиқий маданиятни ташкил этади. Ўқувчилар ўзларининг мусиқий билимлари ва кўникмаларини ўз онгидаги идрок этмай туриб, амалий-ижодий фаолиятга тайёр бўла олмайди. Шунинг учун ҳам ўқувчи ёшларни мусиқий билимлар билан қуроллантириш зарур.

Педагог олима Б.Караматова ўз тадқиқотида мусиқий-педагогик таълимни такомиллаштириш, ўқувчиларда миллий-музиқий билимларга бўлган маънавий эҳтиёж ортиб бораётган ҳозирги даврда қадимий мусиқий қадриятларни мактаб таълим-тарбия амалиётига жорий этиш муаммоларини таҳлил қилган.

Аслини олиб қараганда, ижодий таълим ёшларни ижтимоий тажриба билан қуроллантиришнинг алоҳида нуқтаи назари, ўқувчилар фаолиятига, тафаккурига мўлжалланган таълимдир. У ўзидан юқорида турадиган тизимнинг,

3. Хорошко Н.Ф. Формирование познавательных интересов сельских школьников в опытнической деятельности.

жамиятнинг ёшларни тарбиялаш соҳасидаги ижодий фаолиятига амал қилади, ўзидан пастки ташкилий тизимларнинг маълумот мазмунини ижодий ўзлаштириш, болаларда ижодий қобилияtlарни тарбиялаш ва бунинг заминида ўқув фаолигини ошириш муаммоларни ўзида қамраб олади.

Таниқли олим Н.А.Муслимовнинг таъкидлашича, ижодкорликни тадқиқ қилиш мустақил таълим олиш ва ижодий индивидуалликни ривожлантириш мақсадида ижодкорлик жараёнларини ташкил қилиш ва бошқаришнинг ижодий жараённи инновацион амалиётда моделлаштириш билан боғлиқ мақбул шаклларини аниқлаш имконини беради. Бу ўринда юзага келадиган мураккаблик ижодий ҳамкорлик фаолиятини яхшироқ ташкил қилиш ҳамда бошқа риш билан белгиланади, зеро, бунда онгли ижодий индивидуалликнинг тўғридан-тўғри англашмайдиган жараёнлари ҳам шаклланади⁴.

М. Махмутов ижодий фаолиятни бундай тавсифлаган эди: "Ижодий фаолият эвристик фаолият бўлиб, унинг моҳияти муаммони тез тушунишдан, асосий ғоя, тушунчанинг моҳиятини англаб етишдан, ҳаракат усулини тезликда топишдан иборатdir. Бундай фаолият юқори жўшқинлик, субъектнинг обьектга катта қизиқиши билан тавсифланади"⁵.

Бўлажак мутахассиснинг ижодий фаолиятда иштирок этишига Ж. Гилфорд, А. Маслоу ва бошқа олимларнинг илмий ишлари бағишлиган⁶.

Ижодий фаолиятнинг моҳиятини тавсифлаб, А.В.Петровский ва М.Т.Яра-

шевский унинг психологик белгиларига эътибор қаратишади. Бу талабаларда ижодий жараёнда психик ахлоқий сифатларнинг, эстетик ҳисларнинг, интеллектуал қобилияtlарнинг ривожланиши ва билимларни эгаллаши ҳисобланади. Психология нуқтаи назаридан ижодкорлик жараёни — ижодкорликни ривожлантиришнинг методлари, шакллари ва ижодкорликни ривожлантириш воситалари⁷.

Таълим оловчи фаолиятининг мақсади ахборот кўринишига эга бўлган ижтимоий тажрибанинг маълум бир қисмини ўзлаштириш эмас, балки билимлардан фойдаланган ҳолда бўлажак касбий фаолиятини амалга ошира билиш ҳамда бутун умри давомида янги билимларни эгаллаб бора олиш қобилияtlарини шакллантириш ва ривожлантиришдан иборат бўлади.

Бўлажак мутахассисларнинг ижодкорлигини ривожлантириш учун зарур бўлган шартлар сифатида қўйидагиларни эътироф этиш мумкин:

- ўзлаштирилган ижтимоий тажрибаларни қайта ишлаш, изланувчанлик ва ижодкорлик фаолиятларида наамоён бўладиган аниқ ифодаланган касбий йўналтирилганлик, билимларни эгаллаш фаоллиги;
- педагогик фаолиятда кўп учрайдиган ҳар қандай ностандарт вазиятларда мустақил қарор қабул қила олишга, шунингдек, яхлит педагогик жараённинг барча воқеа ва ҳодисаларини, далилларини таҳлил қила билишга асос яратадиган илмий тафаккурни ривожлантириш;
- жамият маданияти ва жаҳон мада-

4. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчilarини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари.: Дис. ... пед. фан. докт. – Т.: 2007. – 275-6.

5. Маматкулов А.Н. Касбий таълимда талабалар ижодкорлигини ривожлантириш. "Замонавий таълим" илмий-амалий оммабон журнал – Тошкент, 2019. №12(85).11-17 бетлар.

6. Гилфорд Дж. Intelligence, creativity, and their educational implications. 1968.

7. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб: "Питер", 2006. – 713.

ниятини эгаллаганлик, таълим олиш жараёнини англаганлик, ўзининг педагогик қобилияларини такомиллаштириш, ўз-ўзини ривожлантиришга йўналганлик, тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш каби кенг доирани ўз ичига олган мустақил таълимни ташкил этиш;

- талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни индивидуаллаштириш орқали ақлий ва амалий фаолиятида ўзининг индивидуал усулларига эга бўлиш имконини берадиган таълимни ташкил этиш⁸.

Ижодкорликни ривожлантириш учун бугунги кунда профессионал таълимда бўлажак мутахассислардан қуйидаги сифатлар талаб қилинади:

- улар юқори даражадаги билим ва касбий кўникмалар асосида;
- педагогик фаолиятни ва ишлаб чиқариш жараёнини таҳлил қила оладиган;
- янги ностандарт ғояларни илгари суро оладиган;
- рационал, замонавий талабларга жавоб берадиган метод ва воситаларни; касбий ва илмий ахборотларни ўзлаштиришнинг янги усулларини амалиётда қўллай оладиган бўлиши лозим.

Ижодкорлик фаолияти узоқ вақт тайёргарлик кўришни, эрудицияни, қобилияларни талаб қилувчи фаолият ҳисобланади. Ижодкорлик фаолияти – инсон фаолияти асоси, барча моддий ва маънавий бойликлар манбаидир.

Бўлажак мутахассиснинг муваффиятли ижодкорлик фаолияти гарови зарур ахборотни ўз вақтида танлаб олиши ҳисобланади. Ижодий фикрлар ва фаразларни генерациялашга ундовчи асосий омиллар эҳтиёжлари ҳисоб-

ланади. Бу эҳтиёжнинг сифати билим ва малакалар билан қуролланганлик билан белгиланади.

Ўқувчилар ижодкорлик фаолиятини ташкил қилишда икки ўзаро боғлиқ вазифани эътиборга олиш лозим.

Уларнинг биринчиси – ўқувчилар ижодкорлик фаолиятида мустақил фикрлашни ривожлантириш, билим эгаллашдаги интилувчанлиги, илмий дунёқарashi шакллантирилиши; иккинчиси — ўзлаштирилган билимларни таълимда ва амалий фаолиятда мустақил қўллай олишга ўргатиш билан белгиланади.

Айтилганлардан кўриниб турибдики, ўқувчиларни ижодкорлик фаолиятига жалб этиш бир қатор муҳим педагогик масалаларни ҳал этишга имкон беради. Бу профессионал таълимда ўқувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш билан узвий боғлиқ. Чунки мусиқий ижодкорликда ўқувчиларга чолғу асбобларини ўрганишлари учун шароит яратиб бериш даркор. Негаки инсон учун мусиқа асарини ижод қилиш, яхши куйлаш ёки чолғу асбобларини чалиш ўта мураккаб иш ҳисобланади. Бу борада мусиқа саводига эга бўлиши билан бирга, ўзининг туйғулари ва фикрлари дунёсини ифодалashi муҳимдир. Ана шунда ижро этилган ёки ижод қилган санъат асари бошқаларга таъсир эта олади.

Хусусан, мусиқани замонавий педагогик жараёнда қўллаш ўзига хос характер қасб этади. Шу ўринда қарама-қаршиликлар юзага келадики, улар ўзига хос педагогик ечимларни талаб этади. Булар қуйидаги муаммолардир:

- таълим тизимидағи ислоҳотлар, ўзгаришлар ўқувчиларни ижодкорликка ўргатишда ўз аксини топиши,

8. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2012.–264 б.

- таълим-тарбия жараёнида, жумладан, мусиқий таълим-тарбияда ҳам акс этиши;
- мусиқий-назарий билимларни ўзлаштириш бўйича маҳсус ўқув-методик таъминотнинг саёзлиги, моддий-техник базанинг яроқсизлиги, электрон таълим ресурсларининг камлиги;
 - мусиқий-назарий билимларни тизими тарзда бериш тажрибасининг етишмаслиги ва керакли шартшароитларнинг яратилмаганлиги.
- Хулоса ўрнида юқоридаги фикр-мулоҳазаларимизни жамлаб профессионал таълим тизими ўқувчиларининг мусиқий ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш йўлларини келтириб ўтамиз:
- мусиқий ижодкорлик фаолиятини профессионал таълим муассасаларида бўлажак мутахассисни тайёрлашмаётганда мақсад ва вазифаларига узвий алоқадорликда, яъни уларнинг касбий кўникма ва малакаларини янада такомиллаштиришга хизмат қилувчи фаолият тури сифатида шакллантириш ва ривожлантириш;
 - ўқувчиларда мусиқий ижодкорлик кўникмаларини шакллантириш ва ривожлантириш борасида профессионал таълим муассасаларида амалга ошириладиган ишлар мазмуни, тузилмаси ва ташкилий асосларини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириш;
 - профессионал таълим муассасаларида бўлажак мутахассисларнинг касбий кўникма ва малакаларини янада такомиллаштиришга қаратилган мусиқий ижодкорлик фаолияти намуналарини ўзида акс эттирган услубий тавсиялар ишлаб чиқиши.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Энгельградт В.А. Познание явлений жизни. (Сер.Наука), мировоззрение, жизнь – М.:Наука, 1985, – 276 с.
2. Гречова Л.А. Междусубъектная природа творчество в науке, философии и религии : Дис. ... канд. Филос. Наук. – Барнаул, 2005. – 166 с.
3. Хорошко Н.Ф. Формирование познавательных интересов сельских школьников в опытнической деятельности.
4. Муслимов Н.А. Касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари.: Дис. ... пед. фан. докт. – Т.: 2007. – 275 б.
5. Маматкулов А.Н. Касбий таълимда талабалар ижодкорлигини ривожлантириш. "Замонавий таълим" илмий-амалий оммабоп журнал – Тошкент, 2019. №12(85).11-17-бетлар.
6. Гилфорд Дж. Intelligence, creativity, and their educational implications. 1968.
7. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход. – М.: "Высшая школа", 1991. – 208 с.
8. Вербицкий А.А. Активное обучение в высшей школе: контекстный подход. – М.: "Высшая школа", 1991. – 208 с.
9. Рубинштейн С.Л. Основы общей психологии. – СПб: "Питер", 2006. – 713
10. Шарипов Ш.С. Ўқувчилар касбий ижодкорлиги узвийлигини таъминлашнинг назарияси ва амалиёти. Пед. фан. докт. ... дисс. – Т., 2012.–264 б.

МУНДАРИЖА

ТАҲРИРИЯТ МИНБАРИ

2

Дунё ареналарида – Янги Ўзбекистон!

О. Салимов

4

Профессионал таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини узлуксиз касбий ривожлантиришда малака ошириш тизимини модернизациялаш

И. Абдурахмонов

8

Профессионал таълим – рақобатбардош кадрлар тайёрлаш гаровидир

К. Абдурахмонов

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ – КЕЛАЖАК ТАЪЛИМИ

Профессионал таълимни бошқариш сифатини таъминлаш учун замонавий раҳбарларни тайёрлаш вазифалари

10

З.Худайбердиев

Ўзбекистонда профессионал таълим тизимини такомиллаштириш йўналишлари

16

Ў.Алижонов

Профессионал таълим — натижалар ва режалар

21

Б. Шойқулов

Профессионал таълим муассасалари ўқувчи-ёшларининг ижодий фаолияти ва иқтидорини ривожлантириш муаммолари

27

С. Ашуроева, С. Убайдуллаева

ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

32

Жанубий Кореяда профессионал таълимнинг ривожланиши: стратегияси ва тузилмаси

А. Жалалов

35

Германияда профессионал таълим ва тренинглар

Ш. Позилова, А. Ганиева

38

МДҲ мамлакатларида технологик таълим тараққиёти

К. Матякубов

ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

43

Профессионал таълим муассасаларига кадрлар тайёрлашда талабаларнинг ўқув-билиш фаолиятини ривожлантириш муаммолари

З.Исмаилова

50

Профессионал таълим тизимида дипломолди амалиётларини ташкил этишда ёндашувлар

Г.Кадирова

54

Педагогларда малака ошириш тизимида аксиологик компетентликни ривожлантириш асослари

Д.Мустафоева

60

Методика формирования профессиональной компетентности будущих специалистов по охране труда

Б.Султанов

63

The use of contextual digital technology to improve students' self-efficacy

А.Азизова

67

ИЛМ-ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР

Применение информационных технологий в системе профессионального образования

Н.Рузметова

73

Бўлажак профессионал таълим ўқитувчиларини касбий фаолиятга тайёрлашда фойдаланиладиган мультимедиали замонавий ўқитиш воситалари

О.Хамидов

ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ

79

Технологик ёндашув — бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини ривожлантириш омили сифатида

К.Янгибаев

87

Ўқувчиларни ижодий фаолиятга тайёрлаш — педагогик муаммо сифатида

Н.Тоҳташева

ЎЗБЕКИСТОНДА -ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ-

2023 йил, 1-сон

Таҳрир ҳайъати раиси

Иброҳим Абдураҳмонов

Олий таълим, фан ва инновациялар вазири

Таҳрир ҳайъати раиси ўринbosари

Комилжон Каримов

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирининг
биринчи ўринbosари

Бош муҳаррир

Зайниддин Худайбердиев

Педагогик инновациялар институти директори

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Рисбай Джураев

Қаландар Абдураҳмонов

Қаҳрамон Олимов

Нарзулла Муслимов

Екатерина Артамонова

Санобар Ашуррова

Марина Уразова

Муассис:

**Ўзбекистон Республикаси Олий таълим,
фан ва инновациялар вазирлиги
хузуридаги Педагогик инновациялар,
профессионал таълим бошқарув ҳамда
педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва
уларнинг малакасини ошириш институти**

Манзил:

**Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Зиё кўчаси, 76-уй.**

Телефон: 71-246-90-37

E-mail: pedagoginnovatsiyalar@edu.uz

Журнал Ўзбекистондаги профессионал
таълим муассасаларига тарқатилади.

Ижодий жамоа:

Нодир Юсупов

Хусан Нишонов

Элмурод Эгамқулов

Дизайнер ва саҳифаловчи

Абдималик Абройқулов

Журнал Ўзбекистон Республикаси Президенти
Администрацияси хузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигидан
№1591-рақамли гувоҳнома билан 24.04.2022
санасида рўйхатдан ўтказилган.

Адади 1000 нусха. Буюртма №001

ҲУРМАТЛИ ЖУРНАЛХОНЛАР!

“Ўзбекистонда профессионал таълим”
журнали таҳририяти сизни ўзаро
ҳамкорликка таклиф этади.

Журналимиз саҳифаларида
профессионал таълим тизимини
ривожлантиришга, ўқув жараёнини
такомиллаштиришга қаратилган
илмий-услубий, таҳлилий мақолалар
нашр этилади.

Профессионал таълимда қўлланилаётган
инновацион технологиялар, касб-хунар
ўрганишга оид методик тавсиялар
ҳақида, шунингдек, жорий этилган
илфор тажрибалар ҳамда тизимда
амалга оширилаётган ибратли ишлар ва
янгиликлар ҳақида ўз фикрларингизни
биз билан ўртоқлашишингиз мумкин.

Ҳурматли профессионал таълим
фидойилари, устозлар!

Таҳририятимиз сиз билан ҳамкорлик
қилишдан жуда мамнун.


Мақолаларингизни қуидаги манзиллар
орқали бизга юборинг,
тажрибаларингизни ҳамкасбларингиз
билин бўлишинг!

Телефон: +99871-227-19-24

Мобиъл: +99898-210-88-58

E-mail: pedagoginnovatsiyalar@edu.uz

Обуна индекси 1396



edu.profedu.uz

Методик таъминлаш платформаси

Платформанинг асосий саҳифалари:

Ўқув-меъёрий ҳужжатлар;
Дарсликлар;
Ўқув қўлланмалар;
Қўшимча адабиётлар;
Ўқитиш материаллари тўплами;
Қисқа муддатли курслар;
Методик тавсиялар;
Методик йўриқномалар;
Видео ресурслар;
Инфографикалар;
Сиз учун фойдали;
Муҳокама учун.

Ушбу ахборот тизими профессионал таълим муассасаларига онлайн методик таъминотни амалга оширади



prof-talim.edu.uz

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг
академик лицейлар ва профессионал таълим
муассасалари платформаси



cgvet.uz

Катталарга таълим бериш ва ўқитиш
халқаро дастури бўйича онлайн малака
oshiishi платформаси



help.edu.uz

Олий, ўрта маҳсус ва профессионал таълим
тизимига оид энг кўп бериладиган саволларга
жавоблар портали



edu.profedu.uz

Профессионал таълим муассасалари раҳбар ва
педагог ходимларининг фаолиятини методик
таъминлаш платформаси



my.moqt.uz

Профессионал таълимнинг масофавий
малака ошииш ва қайта тайёрлаш
платформаси



vacancy.edu.uz

Олий ва профессионал таълим муассасаларида
мавжуд бўш иш ўринларига ҳужжатларни онлайн
юбориш платформаси



Педагогик инновациялар, профессионал таълим
бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш
ва уларнинг малакасини ошииш институти

